Тошкент архитектура қурилиш институти (ТАҚИ) “Архитектура тарихи ва назарияси” кафедрасининг фаолияти “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да белгиланган масалаларни бажаришга йўналтирилган бўлиб, унда меъморий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш бўйича юқори савияли бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда. Кафедра профессор-ўқитувчилари ва талабалари архитектура ёдгорликлари бўйича илмий изланишлар ва ёдгорликларни сақлашнинг замонавий усулларни ўрганишдаги янги стандартлар борасида чет эл (Германия ва Франция) мутахассислари билан тажрибалар алмашилган. Бу тажрибаларни анаъанавий равишда давом эттиришга ва тарихий ёдгорликларнинг муҳофазаси бўйича халқаро аҳамиятга эга бўлган ўқув-амалий марказ очишга ҳамма асослар мавжуд. Европанинг кўп шаҳарларида таъмирлаш бўйича бундай марказлар фаолият юритмоқда. Маълумки, Италияда бундай марказ Венеция шаҳрида жойлашган.

Ёдгорликларнинг тарихий-архитектуравий аҳамияти ва ҳолатини аниқлаш бўйича олиб борилган лойиҳавий, илмий-амалий изланишлар натижасида архитектура ёдгорликларидан фойдаланиш, уларни сақлаб қолиш учун муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш, таъмирлаш ва қайта тиклаш масалаларини ечиш бўйича концепция яратилган. Мазкур концепцияда архитектура ёдгорликларини асраб-авайлаган ҳолда улардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланган. Архитектура ёдгорликларининг ҳозирги кундаги ҳолатининг таҳлили ва олиб борилган тадқиқот ишлари хулосаларига кўра ёдгорликларни сақлашнинг асосий усуллари: **консервация, реставрация, реконструкция ва мослаштиришни,** ташкил этади.

Ўзбекистонда мустақиллик шарофати билан, биз бугунги кунда халқимизнинг кўп асрлик тарихи давомида яратган қимматбаҳо меросига эгамиз. Қадимий ёдгорликлар, санъат ва табиатни муҳофаза қилиш ишлари бўйича олдимизда ўтмиш ёдгорликлари ва санъатини сақлаш ҳамда

таъмирлаш вазифаси турибди. Меъморий ёдгорликларнинг муҳофаза рўйхати тузилди, ремонт-таъмир ишлари олиб борилди. Ёдгорликларни тиклаш, таъмирлаш ишларига собиқиттифок даврида катта авлод мутахассислари: В.Л. Вяткин, М.Ф. Мауэр, М.Е. Массон, Б.Н. Засыпкин, Б.П. Денике ва бошқалар ташкилотчи бўлдилар. Таъмир ишларини олиб боришга халқ усталари-қурувчи ва наққошлар (уста Абдуқодир Боқиев, уста Ширин Муродов ва бошқалар) жалб қилинди.

Охириги йилларда тарих ва таъмирлаш ишларига катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон тарихий шаҳарларидаги ноёб иншоотларни таъмирлаш сифатини кескин яхшилашга қаратилган ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

1972 йил 16 ноябрда Парижда “Умумжаҳон маданий ва табиий меросни муҳофаза қилиш тўғрисидаги ЮНЕСКО конвенцияси ва ушбу соҳа учун кадрлар тайёрлаш масалалари” ҳамда Маданий-тарихий ёдгорликларга доир давлатимиз томонидан қабул қилинган «Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш, улардан фойдаланиш ҳақида»ги қонунни намоён қилди.

2001 йил 30 августда Маданият-тарихий меросга нисбатан бўлган давлатимиз Қонунига асосан Олий Мажлис томонидан қабул қилинган «Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш, улардан фойдаланиш ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун, маданият ва архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш ва таъмирлаш билан бир қаторда биноларнинг сақланиши ва улардан самарали фойдаланиш учун барча қулайликларни кўзда тутди. Шунинг учун бугунги куннинг энг долзарб ва истиқболли муаммоларидан бири меъморий ёдгорликлардан фойдаланиш ишларини ривожлантиришдир.

Ўзбекистон Республикаси тарихий ёдгорликлари бутун дунё тараққиётининг мулки бўлиб, меъморий ёдгорликлар асраб-авайлаб муҳофаза қилинади ва таъмирланади, уларнинг дастлабки қиёфаси тикланади. Мустақиллик қарор топиши билан Республикамизда бу

масалага алоҳида эътибор кучайди. Давлатимиз Конституциясида ёдгорликларни сақлаш ғояси мустаҳкамланган ва уларнинг фан, маданият, халқ маънавияти таълимини ривожлантиришидаги аҳамияти қонун асосида белгиланган. Олий Мажлис томонидан Маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш бўйича қонунларни қатъий белгилаб берувчи 30.08.2001 йилдаги 269-П сонли “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳақида”ги қарори, шунингдек 353-П сонли 04.04.2002 йилда тасдиқланган 353-П сонли “Ўзбекистон Республикаси шаҳарсозлик кодекси” қабул қилинди.

Ниҳоят, 2009 йил 28-29 августда Олий Мажлиснинг навбатдан ташқари сессиясида қонуннинг янги таҳрири, низом ва шаҳарсозлик кодекси тасдиқланди. Унга шаҳарларнинг меъморчилик ёдгорликларини муҳофаза қилиш асосий талаблари киритилган. 2009 йил 17 октябрда эса Ўзбекистон Республикасининг “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳақидаги қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қарори қабул қилинди. Унда маданий мерос объектлари икки алоҳида гуруҳга бўлиниб, 1-гуруҳга **“моддий маданий мерос объектлари”**, 2-гуруҳга эса **“номоддий маданий мерос объектлари”** киритилди. “Моддий маданий мерос объектлари” тушунчасига меъморий ёдгорликлар, мажмуалар, атроф муҳитнинг диққатга сазовор жойлари (ландшафтлар, археология ёдгорликлари ва шаҳарсозлик тузилмалари, шаҳарларнинг тарихан юзага келган қисмлари), “номоддий маданий мерос объектлари” тушунчасига эса урф-одатлар, халқ ижодиёти (сўз санъати, рақслар, мусиқа, томошалар), шунингдек улар билан боғлиқ халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъат, билим, кўникмалар, асбоблар, артефактлар, маданий фазовий муҳит киритилди.

Шундай қилиб, “Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш ҳақида”ги қонун 2007 йилда Ўзбекистонда тасдиқланган номоддий маданий меросни муҳофаза қилиш ҳақидаги халқаро конвенцияга сабаб бўлди.

Энди моддий маданий мерос объектлари Давлат кадастрига, номоддий маданий мерос объектлари эса номоддий маданий мерос объектлари рўйхатига киритилади. **11-банд номоддий маданий мерос объектлари** рўйхатини тузиш тартиби ҳақидаги меъёрлар билан тўлдирилган. 13-банд маданий мерос объектининг паспорти фақат Давлат кадастрига киритилган объектга берилишини аниқлаштиради. Ушбу меъёр номоддий маданий мерос объектларига тадбиқ этилмайди. **14-банд** маданий мерос объектларини Давлат кадастридан чиқариш тартиби фақат **моддий маданий мерос объектларига** жорий қилинишини буюради. 19-банддаги ўзгартиришлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Тарих, санъат, фан, эстетика, экология ёки антропология жиҳатидан катта қийматга эга маданий мерос объектлари, бутун дунё маданий мерос объектларига киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларига доимий эътибори давлатимиз тарихий шаҳарларининг тикланиш дастурини ишлаб чиқиш имконини берди.

Ўзбекистонда маҳобатли ёдгорлик-бинолардан фойдаланиш яқин вақтларгача асосан музей характерига эга эди. Охирги йилларда меъморий ёдгорликлардан фойдаланиш характери кенгайди. Хива шаҳридаги “Ичан қалъа” меъморий мажмуаси, Бухоро Шахристони, Чор Бакр, Баҳовуддин, Хўжа Ахрор, Зангиота, Ҳазрати Имом ва бошқа меъморий мажмуа-ансамбллар муҳофазаси ва таъмири халқаро эътирофга эга бўлди.

Республика Президенти И.Каримов ташаббуси билан 2004 йил 4 июлда Вазирлар Маҳкамасининг “Шоҳи Зинда ёдгорликлари ансамбли мажмуаси ҳудудини реконструкциялаш ва ободонлаштиришни ташкиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ бу ёдгорлик-ансамблни таъмирлашнинг кенг дастури амалга оширилди. Иқтисодий даромад соҳаларидан бири бўлган маҳаллий ва халқаро туризмни ривожлантириш мақсадида маданий мерос ёдгорликларини

муҳофаза қилиш, таъмирлаш ва улардан фойдаланиш масалаларига жиддий эътибор қаратилади.

Ўзбекистон ўзининг туризм манбалари бўйича Марказий Осиёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди ва бу соҳада улкан имкониятларга эга бўлган ўн бешта дунё мамлакатлари қаторига киради. Ўзбекистоннинг қадимда Хитойни Европа давлатлари билан боғловчи Буюк Ипак йўли ўтган шаҳарларда сайёҳларда катта қизиқиш уйғотувчи турли тарихий даврларнинг кўп сонли меъморий ёдгорликлари сақланиб қолган. И. Каримовнинг “Ўзбекистон Республикасининг Буюк Ипак йўлини тиклаш ва республикада халқаро туризмни ривожлантиришдаги иштирокини фаоллаштириш бўйича чоралар ҳақида”ги 1995 йил июнидаги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 30.06.1999 йилдаги “Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг ривожини ҳақида”ги Фармони, 20.08.1999 йилда қабул қилинган “Туризм ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг қарори республика тарихий шаҳарлари учун туризм ривожининг перспектив схемасини комплекс ишлаб чиқишни назарда тутди.

Туризм иқтисодининг юқори имконияти энг аввало шу билан белгиланадики, унда ёдгорликларни сақлаш ва улардан унумли фойдаланишнинг, шаҳарлар меъморий-фазовий тузилишида уларнинг узок сақланиб қолиш шароитларини яратишнинг реал иқтисодий асоси ўз аксини топади. Бундай нуқтаи назар Олий Мажлис томонидан қабул қилинган **“Тарихий ва маданий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”**ги Қонуннинг номланишидаёқ ўз ифодасини топган. Туризм корхоналари системасининг қадимий шаҳар структурасига киритилишининг турли усул ва методларини кўриб чиқиб, туризмни қулай функционал ташкил қилишни излаш билан бир вақтда архитектура ёдгорликларидан фойдаланишнинг қулай усулларини, уларни фойдаланишга мослаштиришнинг ва қадимги меъморчилик билан

замонавий меъморчилик узвий мувофиқлигининг тактик шакллари топишга ҳаракат қилинмоқда.

Архитектура ёдгорликларини муҳофаза қилиш бўйича Ўзбекистон тарихий шаҳарларининг илмий асосланган ягона комплекс шаҳарсозлик таянч режасининг йўқлиги шаҳарсозлик, тарихий-меъморий қийматга эга бўлган иморатларнинг, халқ меъморчилиги ёдгорликларининг, жамоат биноларининг, зиёратгоҳ иншоотларнинг етарлича ўрганилмаганлиги, шунингдек, уларнинг давомий узиб ташланиши ва бунинг натижаси ўлароқ шаҳарлар қадимги топографияси, уларнинг майдон ва кўчаларининг йўқ бўлиши бу муаммонинг муҳим ва зарурийлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси ривожининг янги ижтимоий-иқтисодий шароитлари, унинг маданиятига бўлган халқаро қизиқишнинг ўсиб бориши қуйидаги асосий йўналишлар бўйича илмий-амалий тадқиқотлар заруриятини юзага келтирди:

- тарихий шаҳарларнинг муҳофаза зонасини, қурилишларни тартибга солиш зонасини ва архитектура ёдгорликларини идрок қилишни шаҳарсозлик жиҳатидан ташкил қилиш;
- архитектура ёдгорликлардан янги вазифаларни инобатга олган ҳолда замонавий эҳтиёжлар учун оқилона фойдаланиш;
- тарихий шаҳарлар дахлсиз зоналарида туризм ва хизмат кўрсатиш марказларини ташкил қилиш.

Ўзбекистон - дунё меъморчилигига санъат ва меъморчиликнинг ажойиб намуналарини берган туризмнинг барча шакллари ривожини учун қулай шароитларга эга бўлган қадимий давлатдир.

Архитектура ёдгорликларини сақлаш тарихий шаҳарлар комплекс шаҳарсозлик реконструкциясининг муҳим муаммоларидан бири бўлиб, унда бир қанча асосий жиҳатларни шартли тарзда алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин: меъморий ва фазовий жиҳатдан қимматли бўлган шаҳарсозлик доминантлари(мажмуа ва алоҳида меъморий ҳамда

шаҳарсозлик ёдгорликлари)ни сақлаш ёки тиклаш; тарихий турар жойлар жойлашган асосий мавзеларни реконструкция қилиш ва замонавийлаштириш; транспорт алоқа йўллари ечими.

Архитектура ёдгорликларини сақлаш, уларда мавжуд бўлган бадиий ифодавийликни, маданий қийматнинг йўқотилмаслигини кўзлаган ҳолда уларнинг изчил ривож сифатида идрок қилиниши зарур. Тарихий шаҳарнинг бадиий ифодавийлиги энг аввало унинг меъморий мажмуаларининг эстетик афзалликларини, уларнинг қай даражада сақланганлигини ва реконструкция қилинаётган шаҳар марказининг баркамоллигини таъминлашга боғлиқ.

Фан ва амалиётда бу йўналишларни ишлаб чиқишда маълум концепция яратилган. Ўтган ўн йилликларда шаҳар бош режасини реконструкция қилишда, транспорт магистралларини ўтказишда тарихий меъморий ва шаҳарсозлик ёдгорликлари, аксари ҳолларда ҳеч қандай мулоҳазасиз бузиб ташланган бўлса, бугунги кунда меъморлар шаҳар тарихий муҳитини қайта тиклашда ундаги тўлиқ ижтимоий ва турмуш вазифаларини таъминловчи ҳаётий муҳит сифатида қарашадилар, ўтмиш меъморчилигининг борлиқ афзалликларидан фойдаланишга интилишадилар. Ўзбекистон тарихий шаҳарлари - Самарқанд (ТошкентбошпланЛИТИ), Шаҳрисабз, Қўқон, Марғилон ва бошқа шаҳарларнинг (ЎзшаҳарсозликЛИТИда) ишлаб чиқилган ва тасдиқланган бош режалари бу концепциянинг яққол намунаси бўлиб хизмат қилади. Бундай бош режаларда меъморларнинг ёдгорлик ва мажмуаларга тарихий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида муносабатда бўлганликларининг гувоҳи бўламиз.

Ҳар бир халқ ўтмишининг ёдгорликлари ушбу халқ маънавий меросни ифодаловчиси бўлган ҳолда қадимги анъаналарнинг ҳам гувоҳи ҳисобланади. Маданий мерос умуминсоний қийматини тушуниб етган жамият, бу мероснинг келажаги учун, уни бутун бойлиги ва асли ҳолида келажак авлодга етказиш учун барча жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Шунинг учун ҳам ёдгорликларни консервация қилиш ва таъмирлаш қоидаларини халқаро ҳал этиш зарурати юзага келди, бунда ҳар бир давлатга бу ишларни ўз халқи маданияти ва анъаналарига мувофиқ тарзда амалга ошириш эркинлиги берилган. Бундай объектларни лойиҳалашда бугунги кунда энг асосийси - эски ва янгиларни бир-бирига мувофиқлаштириш, бутун ва шакллар ечимни ўзаро уйғунлаштиришдир.

Архитектура ёдгорлигини таъмирлаш, шунингдек ундан фойдаланишнинг асосий принципи бу, бинони дастлабки кўринишида сақлаб қолишдир. Мана шу ерда бир томондан ёдгорликни ўзгаришларсиз сақлашга интилиш, бошқа томондан ҳар бир ёдгорлик учун унинг мавжуд структурасига тўғри келувчи вазифани топиш зарурати билан пайдо бўлган қарама-қаршиликлар юзага келади. Ваҳоланки, бу фақатгина меъморий эмас, балки маънавий муаммо ҳамдир. Бино ва унинг худудидан фойдаланиш, эксплуатация қилишда тарихий ва табиий ландшафтни бузмаслик керак. Аксинча, маданий –тарихий ва бадиий бойликларни намоён қилиш учун, бинонинг яхши кўриниши ва у билан фақат туристларнинг эмас, мутахассисларнинг ҳам яқиндан танишишларига ёрдам бериш учун шароит яратиш зарур. Ўзбекистон меъморий ёдгорликларга хос бўлган меъморий-режавий ечимлар кенг доирали хизмат кўрсатувчи туризм учун хоналарни функционал ва режавий гуруҳларга мувофиқ келиши аниқланган.

Афсуски, бугунги кунда Ўзбекистонда кўриб чиқилаётган муаммо бўйича муҳим тадқиқотлар йўқ. Шу сабабли мазкур қўлланмада муҳим аҳамият касб этувчи ўтмиш иншоотларидан замонавий фойдаланиш мақсадларини аниқлашга комплекс ёндошиш таклиф этилади:

- ёдгорликларни улардан фойдаланиш мақсади ва шакли бўйича таснифлаш (классификациялаш);
- шаҳарга маданий хизмат кўрсатиш тизимида ёдгорликдан фойдаланиш мақсадини аниқлашнинг график усули;

- ёдгорликдан фойдаланишнинг қулай вариантини олдиндан айтиб бериш имконини берувчи нисбий таҳлил усули;

- гуруҳли меъморий ёдгорликлардан фойдаланишнинг баҳолаш классификацияси усули.

Тарихий шаҳарларни ривожлантириш муаммосини самарали ҳал қилишда ёдгорликлардан ҳозирги вақтда фойдаланиш масаласи энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шаҳар марказларини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш ва қайта тиклаш (регенерация, айниқса тарихий-меъморий ёдгорликларга эга бўлган шаҳарларда) эски ва янги қурилишларнинг ўзаро боғланиши муаммосига етарлича кенг ёндошувни талаб қилади. Бу муаммо, одатдагидек, шаҳар структурасига комплекслар, мажмуалар ва алоҳида меъморий ёдгорликларни киритишга асосланади. Бунда шаҳарсозликдан тортиб қатор амалий, утилитлар бўлган специфик вазифалар пайдо бўлади. Умуман олганда, умумий муаммо шаҳар муҳитини сақлаш билан бир қатор майда, лекин мураккаб бўлган муаммоларга бўлинадики, улардан бири ёдгорликнинг янги функционал вазифаси муаммосидир. Тарихий меросдан фойдаланиш муаммоси фақат мамлакатлардагина эмас, қатор машҳур ва ноёб меъморий ва шаҳарсозлик ёдгорликларига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси учун ҳам долзарб муаммодир. Республикамизнинг бой меъморий ёдгорликларидан фойдаланиш уни замондошлар ва келажак авлод учун сақлаш мавзусини ишлаб чиқишга мурожаат қилиш, фақат эстетик эмас, балки маънавий-марифий томондан, иқтисодий жиҳатдан ҳам актуал, муҳим ва зарур аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасида ҳозирги вақтда меъморий ёдгорликлардан фойдаланиш хусусиятини аниқлашнинг аниқ услубияти ҳали тўлиқ ишлаб чиқилмаган, чунки ҳар бир алоҳида ёдгорликлар гуруҳига, аниқ минтақаларнинг ҳудудий, миллий тарихий ва бошқа анъаналарини инобатга олиб индивидуал ёндошиш талаб этилади. Масаланинг ҳолати шундайки, бизни қизиқтирган саволлар қаторида

алохида ишлар, диссертация ва монографиялар каби лойиҳавий таклифлар ҳам бор. Лекин, бу ишлар меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган муаммоларни атрофлича қамраб ололмайди (айниқса, ёдгорликлар билан ишлаш услубига бағишланган ишлар кам), иккинчидан, улар Ўзбекистон худудида сақланиб келаётган ёдгорликларнинг ўзига хос хусусиятигина эмас, балки халқимизнинг яшаш муҳити, турмуши, анъанаси ва шу қабиларни етарлича ҳисобга олмайди.

Архитектура ёдгорликларини замонавий шаҳар структурасига киритиш муаммосини комплекс ҳал этиш масалаларига бағишланган ишларга Ўзбекистон шаҳарсозлиги илмий-тадқиқот лойиҳа институти ва бошқа бир қатор кўшни ва чет эл давлатларининг илмий-тадқиқот ташкилотлари, илмий ишлари, тажрибалари ва тавсиялари киради. Бу мавзуда етакчи олимлар, архитектура назарийчилари: М.Қ. Ахмедов, Ш.Ж.Асқаров, В.Л.Воронина, Н.Ф. Гуляницкий, П.Ш. Зоҳидов, А.А.Зиёев, В.А.Лавров, Л.Ю. Маньковская, Е.В. Михайловский, В.А. Нильсен, Д.А.Нозилов, И.И. Ноткин, Г.А.Пугаченкова, О.М.Салимов, А.С.Уралов, Х.Ш.Пўлатов, Т.Ф.Қодирова, С.Хан-Магомедов, О.А. Швидковский, М.А.Юсупова, Ю.С. Яралов ва бошқаларнинг қатор тадқиқот ва илмий ишлари, шунингдек, тарихий шаҳар ва комплексларни реконструкция қилиш ва архитектура ёдгорликларини таъмирлаш соҳасидаги архитектор-мутахассислар: Л.В. Андреев, В.В. Ауров, Б.Л. Васильев, Р.М. Гаряев, Е.В. Заварова, А.В. Лесик, В.Я. Либсон, А.В. Махровская, М.А. Орлов, Ю.В.Ранинский, В.И. Юркштас ва бошқаларнинг мақола ва илмий-тадқиқот ишлари бор. Бу соҳада Чехия, Германия, Польша, Руминия, Италия, Англия, Франция ва бошқа мамлакатлар меъморлари томонидан катта назарий ва амалий ишлар амалга оширилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, аксарият, бу ишлар катта шаҳарсозлик муаммоларини ишлаб чиқишга бағишланган (қайта тикланаётган шаҳарларнинг бош режасидан тортиб ёдгорликларнинг муҳофаза худудларини аниқлашнинг математик дастуригача). Меъморий

ёдгорликлардан фойдаланиш услубиятини ишлаб чиқиш вазифаси ҳозирги кунда долзарб муаммо бўлиб, жиддий тадқиқот ишларини олиб боришни талаб этади. Иншоотларнинг функционал вазифасини ҳал этишнинг мураккаб талаблари, кўп факторли системасини ҳисобга олиб замонавий турмушда бинолардан фойдаланишнинг янги шаклларини излаш масаласи бўйича бугунги кунгача анчагина ишлар бажарилган. Қатор, ўзига хос хусусий сифат ва хоссаларга эга бўлган Ўзбекистон меъморий ёдгорликларидан фойдаланиш услубиятини ишлаб чиқишга эҳтиёж, фақат илмий, меъморий билим учун хизмат қилувчи ва эстетик эҳтиёж бўлмай, республика учун иқтисодий жиҳатдан ҳам ўта муҳимдир.

Ўзбекистон тарихий шаҳарлари шароитида меъморий ёдгорликларни сақлаш, уларнинг муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланишни лойиҳалаш методологиясини ишлаб чиқиш, Ўзбекистон тарихий шаҳарлари мисолида архитектура ёдгорликларидан фойдаланишнинг асосий шаклларини аниқлашдир.

Асосий мақсадга эришиш учун қатор масалалар ҳал этилиши зарур, жумладан:

- чет эл давлатларида бинолар-ёдгорликлардан фойдаланишнинг асосий шаклларини аниқлаш ва умумлаштириш;
- Ўзбекистон шаҳарсозлигидаги тарихий марказларнинг асосий йўналишларини аниқлаш;
- меъморий ёдгорликлар мажмуаларининг тарихий ва бадиий қийматини аниқлаш, тасниф қилиш (гуруҳлаш) ва уларнинг ўзига хослигини намоён қилиш;
- Ўзбекистон ёдгорликлари ва мажмуаларидан функционал фойдаланиш классификациясини ва уларни фойдаланишга мослаштириш услубиятини ишлаб чиқиш;
- тадқиқот қоидаларини лойиҳалаш амалиётига тадбиқ қилиш;

Архитектура ёдгорликларини сақлаш ўзбек меъморларининг комплекс шаҳарсозлик фаолияти муаммосининг муҳим элементи

ҳисобланади. Муҳим тарихий меъморий ёдгорликларга эга бўлган тарихий шаҳарлар марказларини қайта қуриш(реконструкцияси)да бир қанча асосий муаммоларни шартли ажратиб кўрсатиш мумкин:

- архитектура ва фазовий жиҳатдан қимматбаҳо бўлган шаҳарсозлик доминантлари(архитектуравий шаҳарсозлик мажмуалари ва алоҳида ёдгорликлари)ни сақлаш ёки тиклаш;

- асосий турар жой массивларининг реконструкция ва модернизацияси (замонавийлаштирилиш);

- транспорт муаммоларининг ҳал этилиши.

Тарихий юзага келган шаҳар муҳити фавқулодда мураккаб тизимли ўлчамларда мавжуд бўлади. Бу эса вақтинчалик замонавий меъморчилик ривожининг кучли эмоционал омили ҳисобланади. Меъморий ёдгорликларни сақлаш, бирон бир объектни консервация қилиш эмас, балки тўпланган маданий қадриятлар йўқолиб кетмаслиги учун, мавжуд ёдгорликнинг изчил ривож тарзида идрок қилиниши керак .

Тарихий шаҳарнинг бадиий ифодавийлиги энг аввало унинг меъморий мажмуалари эстетик кадр-қимматига, уларнинг қанчалик сақланганлиги ва реконструкция қилинаётган шаҳар марказида яшовчанлик руҳини бахшида эта олишига боғлиқдир.

Табиийки, тарихий шаҳар муҳитини таъмирлаш, тиклаш ва ундан фойдаланиш вазифалари шаҳарнинг бош режасини бажариш билан бирга ҳал қилиниши керак. Бу фақат мутахассисларнинг, яъни иқтисодчилар ва психологлардан тортиб, то шаҳарсоз ва таъмиршунослардан иборат бўлган бутун бир гуруҳнинг биргаликдаги ҳаракати билан ҳал қилиши мумкин бўлган мураккаб ишдир. Бундай вазифага фақатгина, шаҳарларнинг бош режасини лойиҳалаш ва умумий халқ хўжалиги режалари билан чамбарчас боғлиқ бўлган давлат миқёсидаги архитекторларнинггина қурби етади. Режалаштирилган, аниқ мақсадга йўналтирилган ва илмий асосланган ана шундай ишлар бир қатор чет эл давлатларида ҳам олиб борилмоқда. масалан, Чехияда ушбу муаммолар билан шуғулланувчи махсус

институтлар ташкил қилинган. Жумладан, Прагадаги тарихий шаҳарлар ва объектларни реконструкциялаш Давлат институти ва Братиславада меъморий ёдгорликлар ва табиатни муҳофаза қилиш Словакия институти ва бошқалар.

Бу йўналишнинг илм ва амалиётдаги ривожиди маълум бир концепцияни (ғоявий тизимни) яратган: ўтган асрларда шаҳарларнинг бош режасини қайта тиклашда, транспорт магистралларини ўтказишда қимматбаҳо меъморий ва шаҳарсозлик ёдгорликлари ҳеч қандай мулоҳазаларсиз бузиб ташланган бўлса, бугунги кунда меъморлар шаҳар тарихий муҳитини тиклаш ишига бутунлай бошқача ёндошадилар, шаҳар муҳитига тўлақонли ижтимоий ва маиший вазифаларни таъминловчи маълум ҳаётий макон сифатида қаралади. Ушбу вазифаларни ҳал қилишда меъмор ва шаҳарсозларнинг ўтмиш меъморчилигининг мавжуд қимматли объектларидан иложи борича унумли фойдаланишга ҳаракат қилишларини сезамиз.

Архитекторларнинг ёдгорликлар ва архитектура мажмуа (ансамбл)ларига, маданиятимизнинг ажралмас бир қисми сифатида эҳтиёткорона муносабатларини ўзида яққол намоён қилувчи Киев шаҳрининг бош режаси, бу концепциянинг амалдаги намунаси бўла олади. Киев шаҳри Подолининг тарихий-меъморий инвентаризациялаш (рўйхатга олиш) бўйича “КиевНИИИТИ” институтида меъмор Ю.А. Нельговский бошчилигида жуда фойдали ишлар ўтказилган. Бундай шаҳарларнинг қанчалик улкан, билим орттириш ва тарбиялаш аҳамиятига эга эканлигини исботлашга уриниш ортиқчадир. Шу билан бирга «намойиш индустрияси» бу ўринда устунлик қилиши керак эмас. Инсоннинг ўтмиш даврлар моддий маданияти асарлари билан чуқур танишуви фақатгина унинг эстетик ҳиссиётига таъсир қилибгина қолмай, балки ажойиб ватанпарварлик руҳида ўсиши ва маданият тарбиячиси бўлиб етишувида хизмат қилади.

Охирги йилларда тарихий шаҳар марказлари муҳитини (айниқса тарихий-меъморий ёдгорликларга эга бўлган шаҳарлар учун) сақлаш ва

тиклаш каби муҳим муаммога бағишланган кўплаб мақола ва тадқиқотлар пайдо бўлди. Бош режалар ишлаб чиқилган шаҳарлар (Москва, Киев, Санкт-Петербург, Таллин, «Олтин халқа» шаҳарлари ва бошқалар) реконструкцияси амалга оширилган. Бундай шаҳарларни муҳофаза қилишни таъминлаш бўйича тадбирлар Россия маданият Вазирлиги қарорларига киритилган эди. Бундан ташқари, тарихий-меъморий ёдгорликларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш, ҳақида чиқарилган қарор амалда ўз аксини топмоқда.

Тарихий шаҳарларни реконструкциялаш муаммоси халқаро хусусият касб этмоқда. 1964 йилдаги Венеция конгресси ва конгрессда қабул қилинган Венеция хартияси бунинг яққол исботи бўла олади.

Ҳар бир халқнинг қадим ёдгорликлари ўтмиш маънавий мероснинг ифодаси бўлиш билан бирга ҳозирги вақтда, ўтмиш анъаналарининг тирик гувоҳи бўлиб ҳам хизмат қилади. Маданий мероснинг умуминсоний қиймати ҳақида ўйловчи инсоният, тарих ва келажак авлод олдида, уларга бу маданият бойликларини аслича ва серҳашамлилигича етказишни ўз бурчи деб билиши ҳамда жавобгарликни ҳис қилиши зарур. Шунинг учун ёдгорликларни консервациялаш ва таъмирлаш қоидалари халқаро миқёсда, уларни амалга ошириш жараёнида ҳар бир халқнинг маданияти ва анъаналарига мувофиқ ҳолда ҳар бир мамлакатга эркинлик берган ҳолда, маълум даражада муштараклашган тарзда ҳал этиш зарурати пайдо бўлди.

Бизнингча асосийси, бугунги кунда бундай объектларни фойдаланишга мослаштиришни лойиҳалашда кўзда тутилиши керак бўлган асосий нарса бу ёндошув, бу эски ва янгини уйғунлаштира олиш, бу алоҳида ва бир бутунликда ечимлар мажмуийлиги(уйғунлашув гармонияси)дир.

Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш, шунингдек, уларни фойдаланишга мослаштиришнинг асосий қонуни бино дастлабки кўринишини сақлашдир. Мана шу ерда, бир томондан, ёдгорликларнинг дастлабки кўринишини ўзгаришларсиз сақлаб қолишга интилиш, бошқа

томондан ҳар бир архитектура ёдгорлиги учун унинг мавжуд структурасига мос келувчи янги вазифани танлашда юзага келувчи қарама-қаршилиқларга дуч келамиз. Бунинг устига, бу фақат меъморий эмас, балки маънавий муаммо ҳамдир.

Бино ва унинг атроф-муҳитидан фойдаланиш тарихий ва табиий ландшафтни бузмаслиги, аксинча, қурилишлар муҳитини сақловчи иншоотларни ажрата билиши, маданий-тарихий ва бадиий қийматини намоён қилиш имкониятини яратишни, бинонинг қулай кўринишини таъминлаши ва уларни фақат сайёҳларгагина эмас, балки мутахассисларга ҳам таништиришни кўзда тутиш лозим.

1.2. Архитектура ёдгорлиги ва мажмуаларини фойдаланишга мослаштиришни лойиҳалаштириш

Республикамизда тарихий-меъморий меросни сақлаш муаммосининг назарий тадқиқотлари катта аҳамият касб этмоқда. Биз улардан энг асосийларини кўриб чиқамиз. Бу соҳада ёзилган мақола ва монографияларнинг жуда кўпчилиги ёдгорликларни тарихий шаклланган муҳитга киритиш муаммосига бағишланган. Масалан, ЦНИИТИАда тайёрланган (Москва, 1973 йил, муаллифлар: А.В. Иконников, Е.В. Михайловский, В.А. Лавров, Н.Ф. Гуляницкий, А.Ю. Беккер, Р.М. Гаряев А.В. Бабуров) «Тарихий-меъморий мерос ва замонавий шаҳар» китобида ёдгорликларни таъмирлаш ёки яхши ҳолатга келтириш биноларни сақлашнинг биргина усули эмаслиги ҳақида фикр юритилади. Китобда муаммони ҳал этиш ечими алоҳида объектларни кўриб чиқишдан объектнинг шаҳар мажмуасидаги ўрнини кўриб чиқишга кўчирилган. Тарихий обидаларни шаҳарнинг янги фазовий тузилиши, транспорт коммуникацияси ва шу қабилар билан уйғун ҳолда қандай ташкил қилиш вазифалари қўйилган. Муаллифларнинг асосий нуқтаи назари:

- «архитектура ёдгорлиги» тушунчаси маъносини ягона бинодан шаҳарсозлик тузилмалари ва бутун бир тарихий шаҳарларгача кенгайтириш.
- шаҳар марказининг замонавий вазифасини шаҳар тарихий ядроси доирасидан ташқарисига чиқариш;
- тарихий шаҳар муҳитини дастлабки ўрганиб чиқишни ташкил қилиш.

«Архитектура ёдгорликлари ва замонавий шаҳар қурилиши» монографиясида (ЦНИИТИА нашриёти, Москва, 1973, муаллифлар: П.Н. Максимов, А.И. Целиков, Е.В. Михайловский, В.Я. Либсон, Д.Н. Кульчинский, Н.П. Зворикин, Е.П. Шукин) ўша масалаларнинг ўзи фақат бошқачароқ нуқтаи назардан кўриб чиқилади. Ёдгорликларни сақлаш деганда фақат уларни физик жиҳатдан сақлаш ва улардан янги вазифалар учун оқилона фойдаланиш(замонавий термин-ёдгорликларни регенерация қилиш)нигина тушунмай, балки уларнинг томошабинга эмоционал таъсирини кучайтиришга аҳамиятни қаратишимиз таклиф этилади. Илгари, фақат меъморий ёдгорлик атрофидаги қурилишларсиз худуд деб изоҳланган «Муҳофаза худуди» тушунчаси берилади. Муҳофаза худудлари кўриш нуқталари ва визуал понарама кўринишларини ўз ичига олган меъморий ёдгорлик таъсир зонаси билан кенгайтирилади. Қурилиш ечими мажмуавийлиги шаҳар тарихий ядросида эски ва янгининг мувофиқлиги таклиф этилади, биноларнинг меъмор таъмиршунослар томонидан фойдаланишга мослаштириш лойиҳаларининг бажарилиши зарурлиги уқтирилади. Шуни таъкидлаш керакки; биноларни фойдаланишга мослаштириш билан боғлиқ масалалар, аҳолининг иш билан бандлиги муаммоси пайдо бўлган шаҳар-қўриқхоналар мисолида ойдинлаштирилади. Демакки, фаолиятнинг шаҳар ташкилий соҳаси ва ёдгорликларни сақлаш ва сайёҳларга хизмат кўрсатиш иши билан банд бўлган аҳолининг шаҳар ташкилий гуруҳи пайдо бўлади.

«Тарихий шаҳарлар марказини реконструкция қилиш» деб номланган илмий тўпламда (Киев, 1974 й. муаллифлар: Н.Ф. Гуляницкий, В.А. Лавров, С.К. Регамэ, М.П. Кудрявцев, А.С. Хаников, В.Я. Либсон, А.В. Иконников, А.В. Бабуров, Ю.А. Нельговский, В.И. Юркштас) реконструкциянинг композицион, функционал, транспорт техник масалалари кўриб чиқилган. Муаммонинг тарихий муҳитни максимал сақлашга интилиш билан боғлиқ маданий-тарихий жиҳатлари ажратилган. Тарихий шаҳарларни реконструкциялашга замонавий ёндашув тушунчаси, ёдгорликларга шаҳар замонавий тузилиши билан ўзаро боғлиқ бўлган яхлит тизим сифатида қараш асослаб берилган. Шундай фикр билдирилганки, асосий тарихий ёдгорликларни музей экспонатларига ўхшатиш мумкин эмас, улар муҳитни ташкил қилувчи қурилишнинг фаол таркибий қисми бўлмоғи, баъзидаэса ҳатто замонавий меъморий мажмуаларни ўзларига бўйсундиришлари керак.

«Тарих ва маданият ёдгорликларини мослаштириш ва улардан фойдаланиш муаммолари» (Экспрессинформация, М.,1975) «Транспорт системаларининг автомобилизациялашуви ва такомиллашувининг ривожини шароитида тарихий қимматли ҳудудларни сақлаш» (ГОСИТИ, №10,1977 й.), «Қимматбаҳо тарихий-меъморий ёдгорликларга эга бўлган кичик ва ўрта шаҳарлар марказларини реконструкциялаш» (ЦНТИ, 1977) тўпламларида кўтарилган мавзулар янада ривожланади. Ушбу тўпламларда муаммо яхлитликда кўриб чиқилади. Владимирск вилояти, Смоленск вилояти, Ўзбекистон тарихий шаҳарларини қайта тиклаш бўйича лойиҳа таклифлари берилади, реконструкциянинг алоҳида тартибда зонаси аниқланади.

Иш муаллифларининг асосий тавсифлари:

- асосан тарихий-меъморий қиймати бўйича шаҳар марказларини классификациялаш;
- тарихий-меъморий ва тарихий-шаҳарсозлик тадқиқотлари асосида реконструкция лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

- бош режа ва муҳофаза зоналарини бир вақтда ишлаб чиқиш;
- шаҳарни эстетик баҳолашни ўтказиш.

Уларда таъкидланишича, ҳамма тарихий шаҳарларнинг марказларини реконструкциялашда тарихий ядродан ҳозирги кунда фойдаланиш, уни янги амалий вазифалар учун мослаштириш асосий масалалардан бири бўлиб қолади. Ва ниҳоят, бу мавзудаги муҳимроқ бўлган нашр - «Архитектура ёдгорликлари замонавий шаҳар тузилишида» монографиясида (ЦНИИТИА, 1978, А.В. Иконников ва Н.Ф. Гуляницкий раҳбарлигида) композициянинг меъморий-бадий муаммосини турли вақтда қурилган бино ва мажмуалар билан, уларнинг режавий тузилишининг ривож масалалари билан, тарихий-меъморий меросга эга бўлган шаҳарларнинг бош режаларини лойиҳалаш хусусияти билан биргаликда кўриб чиқилган. Москва, Санкт Петербург, Загорск, Суздаль, Таллин, Вильнюс, Каменецк-Подольский, Мцхета ёдгорликлари ва марказларини тиклаш бўйича намуналар берилган. Ушбу нашр назарий жиҳатдан қандай аҳамиятга эга бўлса, амалий томондан ҳам худди шундай аҳамият касб этади. Унда Европа ва чет эл давлатлари тарихий ёдгорликларини сақлаш бўйича ҳуқуқий ва инструкторив материаллар келтирилган, адабиётларнинг каттагина рўйхати берилган. Бу соҳадаги алоҳида мақолаларни таҳлил қилиш ва санаб ўтиш мазкур ўқув қўлланманинг каттагина жойини олган бўларди. Шунинг учун ҳам биз юқоридаги китоблар таҳлили билан чегараландик холос.

Адабиётлар билан танишувдан кўриниб турибдики, ўтказилган тадқиқотлар, асосан, ёдгорлик - бинолардан замонавий ижтимоий мақсадлар учун фаол фойдаланишга асосланувчи муаммонинг шаҳарсозлик соҳасига бағишланган.

Бугунги кунда, айнан, архитектура ёдгорликларидан фойдаланиш услубиятига бағишланган ишлар асосан учта. Улардан биринчиси Е.В. Заварованинг (Киев, 1975) «Архитектура ёдгорликларини замонавий вазифалар учун мослаштиришни лойиҳалашнинг асосий тартиб ва

услуглари» (Украинанинг Чернигов шаҳридаги Троицко-Ильинский монастири мисолида) мавзусидаги номзодлик диссертация ишидир. Унинг асосий хулосалари:

- ҳар қандай меъморий ёдгорликни мослаштиришга қўйиладиган асосий талаб уни максимал сақлаб қолиш бўлиши керак;
- ҳар бир аниқ ёдгорликни мослаштиришга алоҳида ёндошув;
- бинони (мажмуани) шаклланиш тарихи ва унинг хусусиятларини батафсил ўрганиш;
- ёдгорликнинг тарихий шаклланган вазифаси ва янги вазифанинг яқинлашуви;
- мослаштиришда бино меъморчилиги хусусиятларини таъкидлаш ва асослаб бериш, ана шу талаблар асосида лойиҳалаш услубини аниқлаш.

Иккинчи иш торроқ характерга эга бўлиб, у А.В. Лесикнинг «Прикарпатье архитектура ёдгорликларидан туристик базалар учун фойдаланиш қоидалари» мавзусидаги номзодлик диссертациясидир (Киев, 1978). Ундаги асосий хулоса ва тавсиялар ёдгорликларни тарихий баҳолаш заруриятига асосланган:

- шу нарса аниқланганки, Прикарпатье қалъа ва монастирлари учун хос бўлган меъморий-режавий ечимлари турбазалар хоналарининг функционал ва режавий гуруҳларига мувофиқ келади;
- қалъа ва монастирларни турбаза учун мослаштириш ёдгорлик интерьерлари ва экстерьерини максимал сақлаган ҳолда қайта режалаштириш билан амалга оширилади.

Ва ниҳоят, учинчи иш, бу В.В. Ауровнинг «Меъморий ёдгорликлардан маданий-оқартув вазифасида замонавий жамоат бинолари сифатида фойдаланиш муаммолари» («Олтин халқа» шаҳарлари мисолида, Москва, 1977). Ушбу тадқиқот ўтмишнинг қимматбаҳо иншоотларидан замонавий фойдаланиш мақсадларини ҳал қилиш учун қуйидаги комплекс ёндошишни тарғиб этади:

- фойдаланишнинг мақсади ва шакллари бўйича ёдгорликлар классификациясини тузиб чиқиш;
- ёдгорликдан, шаҳар маданий хизмат кўрсатиш тизимида фойдаланиш мақсадларини аниқлашнинг график усули;
- ўтмишнинг аниқ бир иншоотидан фойдаланишнинг қулай вариантини олдиндан айтиш имконини берувчи мослаштириш вариантларини нисбий таҳлил қилиш усули;
- гуруҳли меъморий ёдгорликлардан фойдаланишнинг баҳолаш классификацияси усули.

Кўриниб турганидек А.В. Лесик иши, Е.В. Заварова диссертациясида кўриб чиқилган функциялар турли-туманлигининг айрим ҳолатидир, В.В. Ауоров иши эса ишнинг таклиф этилган услубиятини ривожлантиради.

Иқлим шароитлар, анъаналар ўзига хослиги, жамоат биноларининг ўзгача номенклатураси (номланиши) Ўзбекистон меъморий ёдгорликларининг функционал ва меъморий хусусиятлари, ёдгорликлардан замонавий мақсадларда фойдаланиш учун уларнинг классификациясини ишлаб чиқиш заруратини кўяди.

Ўзбекистоннинг шаҳарсозлиги вазифаларининг ўзига хослигига аҳамиятни қаратиб, шуни таъкидлаш лозимки, улар жуда кам ўрганилган. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларигина доимо тадқиқотчилар фикрини ўзига жалб қилиб келган. Ваҳоланки, Ўзбекистон шаҳарсозлиги тарихи эрамизгача бўлган VIII-IV асрлардан эрамизнинг XVIII асрларигача бўлган даврни ўз ичига олади.

Ўзбекистон туризмнинг ҳамма турларини ривожлантириш учун қулай бўлган шароитларга эга, дунё меъморчилигига ажойиб меъморчилик ва санъат намуналарини берган қадимий маданият давлатидир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ёдгорликларини сақлаш ва улардан фойдаланиш қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятларини излаб топиш ва бу соҳадаги ишларни ривожлантириш нафақат меъморлардан, балки муҳим халқ хўжалиги вазифаси ҳисобланади.

1.4. Ёдгорликни фойдаланишга мослаштиришнинг хорижий тажрибалари

Юқорида тарихий шаҳарлар бош режалари ечимига комплекс ёндошиш ҳақида фикр юритилди. Охириги йилларда чет эл ва Европа давлатларида тарихий меросдан фойдаланиш бўйича катта тажриба тўпланди. Бу тажрибага ниҳоятда турлича шароитларда эга бўлинди: Москва, Санкт-Петербург, Прага, София, Будапешт, Бухарестни реконструкциялашда; уруш даврида кучли вайронагарчиликка учраган Варшава, Псков шаҳарларини тиклаш ва қуришда; Суздаль, Ростов, Несебер, Тирнов, Торун каби шаҳар-қўриқхоналарни барпо қилишда улкан тажрибалар орттирилди.

Бу жиҳатдан, меъморий меросдан фойдаланишга комплекс ҳудудий-фазовий ёндошилган Москва, Киев, Чернигов, Загорск, Суздаль, Каменец-Подольский, Таллин, Вильнюс, Мцхета ва бошқа шаҳарларнинг реконструкцияси бунга мисол бўла олади. Йирик ишлардан бири - «Олтин халқа» мажмуаси (бош меъмор М.А. Орлов ва проф. Ю.В.Ранинский), унда тарихий-меъморий меросдан фойдаланиш муаммосини ривожлантириш, шаҳарларнинг бир бутунликда тарихий районларини сақлаш, муҳофаза ҳудудларини аниқлаш, композицион яхлитликни сақлаш кўзда тутилган, тарихий районлар алоҳида қўриқхона зоналарига ажратилган ва сайёҳлик, маданий-маиший мақсадларда фаол фойдаланилмоқда.

Суздаль тарихий-меъморий ёдгорликлар мажмуасини сақлаш асосий принципи шаҳар муҳити ривожининг морфологик (шаклий) кўринишини ифодаловчи, шаҳар ва биноларнинг юзага келган композициявий тузилишини асрашдан иборатдир. Суздалда сайёҳлик марказини яратиш лойиҳаси ривожининг иқтисодий базаси шаҳарни ташкил қилувчи омил сифатида тарихий маданий ёдгорликлардан фойдаланиш асосида шаҳар реконструкциясини, унинг функционал хусусиятлари принципиал характерига, аҳолисининг бандлигини ва бошқа, кўпгина муаммоларга

таъсир этувчи ижобий йўналишни аниқлашни кўзда тутди. Покров ва Ризоположенский монастирлари биноларида сайёҳлик марказлари жойлаштирилган. Покровский монастиридаги хужралар турар жойга (меҳмонхона сифатида) мослаштирилган. Шуни таъкидлаш лозимки, монастирнинг ёғочдан қурилган хужраларга меҳмонлар учун хоналарни жойлаштиришда қулайликнинг замонавий талаб даражаси сақланган ёки тўғрироғи яратилган. Бундай ечим, яъни мавжуд мажмуа ичида замонавий бинолар яратиш эмас, балки бинони мослаштириш энг мақбули ҳисобланади, чунки бу қурилиш масштабини, унинг ритмик ва композицион тузилишини, иншоот колоритини сақлайди.

Ресторан, кафе ва савдо корхоналари илгариги савдо расталарига жойлаштирилган (“Старая” кўчаси ва Ризоположенский монастирида). Сайёҳлик марказининг асосий маънавий-маърифий маркази ҳисобланган музей экспозицияси объекти шаҳар ҳудудида жойлаштирилган. Муҳим экспозициялар кремль ва унга туташ бўлган меъморий ёдгорликларга жойлаштирилган, экспозициянинг бир қисми очиқ осмон остидаги музейда намоёиш этилмоқда.

Фойдаланишга мослаштириш, ёдгорлик-биноларни музейлаштириш-шаҳар бош реконструкцияси лойиҳасига киритилган шаҳарсозлик ғояларининг табиий ривожини, биноларни тиклаш режасининг аниқ ифодасидир. Бу режани амалга ошириш шаҳар тарихий қисми ва замонавий қурилишлар тузилишини синчиклаб ўрганишга асосланади. Суздаль структураси таҳлилининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- Суздаль тарихий ядроси тарихий-бадиий ва меъморий мажмуасининг аниқ табиий шароитларда шаклланиш қонуниятини аниқлаш;
- марказ мажмуасидаги ҳар бир бино ва иншоот вазифаси ва аҳамиятини аниқлаш; кўча ва тор кўчаларни яхлит бирликка боғловчи доминантларни, уларнинг ўқини, қурилишнинг тарихий

чегарасини, горизонт чизигини (иншоотлар ва рельеф билан юзага келган аниқ силуэтини) аниқлаш;

- биноларни қуриш ёки қайта қуриш вақтида уйга эгалик ва уй эгасининг ижтимоий характеристикасини, уй эгалиги ўлчамлари ва унинг чегараларини ўрганиш;
- хўжалик ва техник қурилишлар характери; таъмир ёки реконструкциянинг зарурлигини аниқлаш учун уй эгалигини баҳоли;
- эски иншоотни янги вазифага қисман мослаштириш, шунингдек янги қурилиш қиёфаси ва ишлаб чиқилган марказ режавий тузилишга мумкин бўладиган аралашилар ва имкониятлар меъёрини аниқлаш.

Суздаль реконструкцияси лойиҳасининг асосий ғояси алоҳида ёдгорликлар ва меъморий мажмуаларни имкон қадар сақлаб қолиш, тарихий шаҳар муҳити ва бу қадимий рус шаҳрининг ўзига хос колорити, ландшафтини сақлаш, меъморий ёдгорлик биноларидан музей маданият-маърифий ва сайёҳлик мақсадлари учун фойдаланган ҳолда эски қурилишларни сақлаб қолишдан иборат.

Шаҳар ядроси композициясида район ландшафтига эътибор қаратилган, очиқ ва ёпиқ фазонинг маълум муносабатига асосланган фазовий композиция яратиш масаласи ҳал этилган. Шаҳарнинг ўзига хос колорити ранг-баранг ечимларда, ободончилик элементлари буларнинг ҳаммаси сақланиб қолинган. Бир бутунликда Суздаль маркази, унинг тарихий ядросини фақат алоҳида ёдгорликлар ва асосий объектларни (доминантларни)гина эмас, балки атроф қурилишлари ҳам сақланган яхлит шаҳарсозлик мажмуи сифатида қайта тикланган

Келтирилган мисолдан кўриниб турганидек, ёдгорлик-бинолардан фойдаланиш масаласи шаҳар бош реконструкцияси лойиҳасига киритилиши мумкин ва лозим, чунки бош режа ечими кўп омилли тизимдир.

Умумий вазифанинг мақсади-шаҳар, район реконструкцияси ва қайта тикланиши қулай функционал, фазовий ва композициявий ечимни ишлаб чиқиш, шаҳарсозлик ва меъморий ёдгорликлардан оқилона фойдаланиш, уларнинг ҳамма хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда фаол хизмат кўрсатиши, бир яхлит тизим яратиш ва бу тизимда у ёки бошқа тарихий шаҳарнинг ўрни ва ролини аниқлашдан иборатдир.

Чиндан ҳам умумий муаммодан жузъийга-вазифага ўтилган. Гоҳида бу жузъий-вазифалар (бунда шаҳар, район, мажмуа, ёдгорликнинг мавжудлиги) умумий йўналишни танлашга жиддий таъсир кўрсатган. «Олтин халқа» системасига кирувчи тарихий Суздаль ва бошқа қатор шаҳарларнинг реконструкция тажрибаси ана шулардан иборат.

Бинонинг янги вазифаси, унинг шаҳар структурасида муҳим ва зарурлиги, объектга оламшумул шуҳрат бахш эта олиши, унинг ижтимоий аҳамиятини кўтариши мумкин. Масалан, Домский черковида (Рига шаҳри) орган мусиқаси концерт залининг очилиши билан ёдгорлик катта шуҳрат қозонди, черковга музей ва концерт зали сифатида келаётганларнинг кўплиги буни тасдиқлайди. Ёдгорлик-объектларининг ички бўшлиғи фойдаланишга мослаштириш характери ва ундан фойдаланиш даражаси жуда хилма-хил ва оддий бўлиши мумкин.

Мураккаб бўлмаган тайёргарлик, оддий жиҳозлаш (майдон, саҳна, парда, қўшимча ёритиш ва бошқалар) масалан, меъморий жиҳатидан турлича бўлган маданий бино залларидан концертлар, ҳаттоки фестиваллар ўтказишда фойдаланиш имконини беради. Масалан, «Прага баҳори» мусиқа фестиваллари ўтказиладиган Прагадаги (Чехия) на Градчанах авлиё Вита черкови интерьерлари плакатлар, пардалар, қўшимча ёритишлар кўринишида безатилган. Органнинг борлиги ибодатхона ёки черковга янги вазифа, яъни замонавий концерт зали вазифасини бериши мумкин. Бундай ҳолда мослаштирилишни ҳал этиш бўйича вазифалар жуда кам: баъзида томоша зали ориентацияси ўзгартирилади ва кириш груҳида қўшимча хоналар ташкил қилинади (Ригадаги Домский черкови).

Архитектура ёдгорликларини музей, кўргазма заллари, картина галереялари учун мослаштириш қатор чет эл давлатларида ҳам илғор анъана ҳисобланади(4,5,8-илл.). Масалан, XIII аср меъморий ёдгорлиги бўлган черков ичи майдони (Копенгаген шаҳри) имкониятларидан кўргазма зали ташкил қилиш учун максимал даражада фойдаланилган.

Барча экспозициялар инсон кўриш чизиғи баландлигида жойлаштирилган. Экспозициялар тархда мураккаб, тўғри бурчакли зал билан контраст кўринишда, улар билан бутун интерьер ўлчамлари диққатни жалб этади. Энергетик ва кучсиз токли жиҳозлар, ёнғин сигнализацияси билан уланган осма тўсиқлар ҳисобига сатҳий масштаб яратилган. Тўсиқ умумий ва экспозиция мавзуси ҳамда ўлчамига боғлиқ ҳолда ўзгариб турадиган экспозиция майдони орасидаги боғловчи халқадир. Бир вақтнинг ўзида бу музей-маданий меъморлик ёдгорлиги ҳамдир.

Москвадаги (“Росреставрация”нинг 1992 йилдаги. ахбороти бўйича) 1125 ёдгорликдан 112 таси музей, театр, кутубхона, 21 таси ўқув муассасаси, 155 таси маъмурӣ ва идора муассасаси, 130 таси ишлаб чиқариш ва савдо корхонаси, 295 таси турар жой, 57 таси даволаниш ва болалар муассасаси, 39 таси диндорлар жамияти томонидан фойдаланилади, 267 таси эса фойдаланилмайди.

Санкт-Петербургдаги Эрмитаж саройлари картина галереяси, Фонтанкадаги Юсуповский саройи - ўқув муассасаси. Мойкадаги Юсупов саройи - ўқитувчилар уйи, От гвардияси (Конногвардейский) манежи-кўргазма зали, Қозон черкови - дин ва атеизм тарихи музейи сифатида фойдаланилади. «Олтин халқа» лойиҳасида монастирлар мажмуасини меҳмонхона ва сайёҳлар муассасаси сифатида фойдаланишга мослаштириш кўзда тутилган. Новгороддаги (Иверск монастири), Суздалдаги (Покров монастири, Ростовдаги Рождественский монастири). Прибалтика, Карпат бўйи (Львов, Свирж, Городенка), баланд тоғли

қишлоқ - Шинуайр (Арманистон), Грузия, Украина (Киев, Чернигов) архитектура ёдгорликларидан ҳам шундай фойдаланилмоқда (2,9-илл.).

Тарихий-меъморий кўриқхонага айлантирилиб, ўтмишда унга хос бўлган савдо ва бошқа вазифаларга қайтариш кўзда тутилган Киев Подоли райони биноларидан фойдаланиш ва қайта тиклаш лойиҳаси амалга оширилган. Подолда “Гостинная двор”, Киев Академияси, Контрактов уйи ва бошқалар қайта тикланган (11-илл.). Архитектура ёдгорликларини қайта тиклашнинг чет эл тажрибасига мурожаат қилиб шуни таъкидлаш лозимки, бинолар музей мақсадларидан ташқари, кутубхона ва ўқув заллари (Клементнум, Прага, Чехия, Горлиц, Германия), концерт заллари - (Прага, Оломоуц - Чехия, Варшава, Вроцлав - Польша, Росток - Германия) меҳмонхоналар (Германия, Болгария, Италия, Франция, Англия, Австрия), сайёҳлик мажмуалари (Болгария, Германия), турар жойлар (Прага-Чехия, Штральзунд Германия), кўп сонли кафе ва ресторанлар (Чехия, Германия, Франция, Голландия, Венгрия ва бошқалар) сифатида фойдаланилмоқда (4,5-илл.).

Европа архитектура ёдгорликларининг аксарият қисми маданий-маърифий мақсадларда фойдаланилгани каби туризм ва дам олувчилар учун ҳам фойдаланилмоқда. Бундай тарихий объектларнинг катта эстетик қиймати уларни кўп сонли сайёҳлар учун жозибадорроқ кўрсатиш билан бирга катта иқтисодий даромад келтирмоқда.

Архитектура ёдгорликларини замонавий мақсадларга мослаштиришда ўзининг ички жиҳози ва қиёфаси билан биноларнинг ўзи энг асосий экспонат ҳисобланган ҳолда уларни музейлаштириш катта ҳажмдаги ишни ташкил этади. Масалан, Санкт-Петербургдаги Исаакиевский ва Петропавловский соборлари Москвадаги Василий Блаженный ибодатхонаси, Киевдаги Софийский собор, Андреевский черкови ва бошқалар, Пётр саройи, Пушкин ва Павловскдаги илгариги шох резиденциялари саройлари (3-илл) бунга мисолдир.

Бундан ташқари, Львов ёдгорликларни таъмирлаш махсус институти мутахассислари томонидан Львов, Львов вилояти ва бошқа вилоятлардаги кўпгина меъморий ёдгорликлар таъмирланган ва фойдаланишга мослаштирилган, ҳозирги вақтда бу ёдгорлик-бинолардан унумли ва мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиб турилибди. Масалан, Порохов қалъасидан (1554 йил) - Архитекторлар уюшмаси Львов бўлимнинг Меъморлар уйи, Потоцкий саройидан - XIX аср Львов шаҳрининг тантанали кечалар саройи сифатида фойдаланилмоқда (8-илл.). Сарой черкови ва бутхонанинг таъмирланган хоналари вилоят сифат, стандартлаш ва метрология уйи сифатида фаолият кўрсатмоқда. Қадимги Кармелиток монастири хоналарига илмий-тадқиқот институти жойлаштирилган.

Шунингдек, биноларни қайта тиклаш ва турли мақсадлар дам олиш, туризм ва шу кабилар учун фойдаланишнинг чет эл тажрибаси ибратлидир. Бинолардан, бутун Европа мамлакатларида бўлганидек кафе, ресторан, меҳмонхона, концерт заллари, музейлар (Англия, Франция, Испания, Италия, Чехия, Польша, Венгрия, Руминия, Германия) сифатида амалий вазифалар учун фойдаланиш намуналарини кўплаб келтириш мумкин. (4,5,6-илл.)

Урбино (Италия), Йорк, Честер, Бата, Чичестера (Англия) каби тарихий шаҳарларнинг бош режалари катта қизиқиш уйғотади. Уларда лойиҳадан олдинги тадқиқотлар вақтида қуйидаги услублар қабул қилинган: шаҳар муҳити тадқиқ қилинган, майдоннинг аниқ бир кишига тегишлилиги, турар жой фондида аҳолининг зичлиги, жамоат бинолари, уларнинг мустаҳкамлиги, яроқлиги ва санитар ҳолати белгиланган. Маълумотлар махсус картограммаларга туширилган. Интерьер ва фасадлар ҳолати, биноларнинг услуб хусусияти, классификацияси ва хронологияси тадқиқ қилинган, шунингдек, шаҳар муҳитини (Генуя, Бат, Милан, Урбино) бузувчи иншоотлар аниқланган. Шаҳар тузилиши ва шакли, шаҳар ландшафти ўрганилган; реконструкция алоҳида зоналарга

ажратилган, жумладан, Бурж, Шартр, Авиньон тарихий марказлари Париждаги Марэ ва Лиондаги (Франция) Сен Жан кварталлари ажратилган.

Чет эл давлатларида олиб борилган қатор ишларни ўрганиш ва таққослаш шуни кўрсатадики, дастлабки тадқиқотларнинг ҳажми қанчалик катта бўлса ва улар қанчалик пухта амалга оширилган бўлса, лойиҳа таклифлари шунчалик асосли ва самарали бўлган. Аниқроғи бундай тадқиқотларни эътиборсиз қолдириш мумкин эмас, улар ҳажмини схемалаштириш ёки ўринсиз қисқартиришга йўл қўйиб бўлмайди.

Европа ва чет эл давлатларида архитектура ёдгорликларидан фойдаланиш бўйича амалий ишлар жуда кўп ва хилма-хилдир, бу ишлар доимий матбуотда эълон қилинган. Шунинг учун ҳам уларнинг батафсил таърифига тўхталиб ўтишнинг иложи йўқ. Шу сабабдан мазкур қўлланмада фойдаланишга мослаштирилган ушбу ёдгорлик - биноларнинг мавжуд амалиётига доир тасвирий кўринишларни қуйидаги кўргазмали расмларда намоён этдик (2-10 илл).

Ўзбекистон учун қадимий меъморий обидаларни замонавий бинолар учун мослаштириш - янги йўналишдир. Тарихий шаҳарлар: Хива, Бухоро, Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ёдгорликларнинг кўплиги, уларнинг қимматбаҳо моҳияти, турғунлик йилларида гоҳида аёвсиз равишда бузиб ташланиши, оқибатда эса уларнинг қаровсизлиги сабабли оғир, товар базалари сифатида фойдаланилиши Ўзбекистон қадимги меъморларининг гўзал асарларини фақат бузди ва ярқисиз аҳволга олиб келди (15-19,21,22,30,31,37-илл).

Уларнинг амалий санъат, табиат, адабиёт, тарих ва ўлкашунослик музейларига мослаштирилиши улар учун ҳаётга янги йўлланма берди ва шубҳасиз, умрини узайтирди. Ҳозирги вақтда деярли ҳамма ёдгорликлар реконструкция қилинган ва янгича мазмунга эга бўлган. Хивадаги Ичанқалъа қўриқхонаси бунга яққол мисол бўла олади.

Мухаммад-Амин-хон мадрасаси энг замонавий меҳмонхоналарнинг ҳамма коммунал хизматларига эга бўлган 230 ўринли меҳмонхона учун реконструкция қилинган. Матниёз-Девон-Беги мадрасаси 30 ўринли банкет зали ва 220 ўринли ресторан учун реконструкция қилинган, бунда ёдгорликларнинг фасадлари, ташқи ва ички меъморий кўринишлари ўзининг дастлабки мазмунида қолган. Бу мажмуа чет эллик сайёҳларни қабул қилишга мўлжалланган. Меҳмонхона “Ўзбектуризм” буюртмаси бўйича 1978 йилдан фаолият кўрсата бошлаган ва сайёҳлар томонидан ижобий баҳоланган.

Яқин ўтмишда шарқий Хива бозори ёнида карвон-сарой ва Олла-Кули-хон мадрасаси савдо маркази учун реконструкция қилинган, бунинг устига ёрдамчи хоналар, хужралар жойлашуви замонавий савдо корхоналари талабларига маълум даражада мувофиқ келган. Унча кўп бўлмаган қурилиш монтаж ишлари - ҳовлини металл қурилма билан ёпиш, иссиқлик ва ёруғликни ўтказиш минимал даражадаги ҳаражатлар билан ёдгорликка бутунлай янгича моҳият бахш этмоқда.

Қурилиш капитал маблағларидан самарали фойдаланишга бўлган талаблар ёдгорликларни фойдаланишга мослаштириш лойиҳаласининг янги услубларини излашни талаб қилади.

Жамоат маркази қурилишига умумий овқатланиш корхоналари: ошхона, чойхона, ресторан, махсус ошхоналар, кабобхона, универмаглар, хўжалик магазинлари, табиат инъомлари магазини, маданий моллар магазини, маиший комбинатлар, маданият саройлари, маъмурий бинолар ва бошқалар киради.

Булар Киев қурилиш-муҳандислик институти томонидан таклиф этилган услуб асосида амалга оширилган Бухоро ва Хива шаҳарлари ёдгорликларини фойдаланишга мослаштириш лойиҳалари ишида ўз аксини топган. Бу Ўзбекистоннинг бошқа ёдгорликларини қайта тиклаш ва мослаштириш лойиҳаларини ишлашда катта тажриба ролини бажаради.

Ёдгорликларни музей сифатида фойдаланиш бўйича яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Қозоғистон Республикаси Чимкент вилоятининг Туркистон шаҳрида 1978 йилда Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси меъморий мажмуасида Давлат музейи очилди. Бу XIV аср Марказий Осиё меъморчилигининг машҳур ёдгорлиги. Мажмуа XII асрда шу ерда яшаган, шоир ва ислом дини, сўфийлик тарғиботчиси Хожа Аҳмад Яссавий мазорига 1388-98 йилларда буюк бобомиз Амир Темур буйруғи билан қурилган .

Хожа Аҳмад Яссавий меъморий мажмуаси 1 - 2 хаттоки, 3 қават бўлиб жойлашган ва бир-бири билан йўлак ҳамда зиналар орқали боғланган турли катталиқдаги хоналарни ўз ичига олади. Мақбара бизнинг кунларгача яхши сақланган меъморий-бадий композиция жиҳатидан мураккаб бўлган мажмуадир. Мажмуа силуэти-гумбазлар гуруҳи ва 39 метр баландликкача кўтарилган мустақкам пештоқ билан тугалланган ихчам тўғри тўртбурчакдан иборат .

1972-78 йилларда меъморлар Б.Т. Туёқбоева, А.Н.Проскурин бошчилигида, проф. М.М. Мендикулов иштирокида ёдгорликни тўлиқ таъмирлаш ва музейлаштиришга йўналтирилган ишлар олиб борилди. Бунда Қозоғистон илмий-таъмирлаш устахонасининг очилиши, ёдгорлик таъмирига «Фундаментлойиҳа» Москва институти, НИИСтромлойиҳа Алмати институти ва бошқалар ёрдам берган.

Бинода 36 дан зиёд зал мавжуб бўлиб, музей залларида мақбаранинг сақланиб қолган асл предметларини кўриш мумкин. Заллардан бирида, «Халимхона» (ошхона) деб номланган хонадаги экспозиция Туркистон шаҳрининг ривожланиш тарихини очиб беради ва мажмуа муҳофаза зонасининг археологик объектлари билан таништиради.

«Китобхона» хонасида қадимги қўлёзма китоблар кўрғазмаси жойлашган. Бу ерда қатор тузилган экспозиция материаллари узок ўтмиш вақтлардаги ёзув тарихи ҳақида ҳикоя қилади, ёдгорлик эпиграфияси ва кутубхона интерьерлари қадимий қимматбаҳо предметлар билан

таништирадилар. «Кудукхона» - кудукли хонада Хожа Аҳмад Яссавий мажмуаси таъмири тарихи билан боғлиқ бўлган материаллар намойиш этилган.

«Кичик Оқсарой» хонасида мажмуа қурилиш конструкцияси ва беаги намоён бўлади. «Катта Оқсарой» хонасида зал экспозициясида қозоқ халқининг XVIII-XIX аср амалий санъати буюмлари, мажмуа гиламларининг асл ва қайта тикланган намуналари, қозоқ ўймакор мебелли, XVIII аср охири ва XIX аср бошидаги қадимги идиш намуналари намойиш этилади.

Яқин келажакда мажмуа ҳудудида XV асрда қурилган, 1975 йилгача ишлаган Шарқ хаммоми яна қайтадан фаолият кўрсата бошлайди. Ҳозирги вақтда таъмиршунослар унга дастлабки кўринишни бермоқдалар.

I.4. Архитектура ёдгорликларини фойдаланишга мослаштиришнинг меъморий-режавий ечимлари.

Қуйидаги объектларнинг меъморий-режавий ечимига мурожаат қиламиз: Львовдаги (Украина) Юра черковини меҳмонхона функциясига мослаштириш лойиҳасида ётоқхоналарнинг асосий гуруҳи майда катак тузилишига эга бўлган илгариги хужраларга жойлаштирилган (коридор типдаги меҳмонхона планировка схемаси); хизмат кўрсатиш хоналари (кафе, ресторан, ошхона, маъмурий-хўжалик хоналари)нинг асосий тўплами обиданинг марказий қисмида жойлаштирилиб дастлабки режавий ечим сақланган ва хоналарнинг “янги” гуруҳи ташкил топган режавий тузилишига яхши мос тушган. Обида учун танланган янги вазифа бинонинг дастлабки вазифаларидан бириг(тураржой)га мувофиқ келади. Ушбу ҳолатда режавий ечимлар, конструкциялар ва интерьер учун обидага зарар етказмаган ҳолда фойдаланишга имкон берувчи эски ва янги вазифанинг мувофиқлигини кўриб турибмиз.

Новгород сайёҳлик марказидаги Иверский монастири, Ростов сайёҳлик марказидаги Рождественский монастири, Черниговдаги Троицкий ва Елецкий монастирларини фойдаланишга мослаштириш лойиҳасида меҳмонхона, ресторан, сувенир дўкончалари ва шу каби хоналарнинг янги функционал гуруҳлари, хужралар, овқатланиш хоналари, турар жойлар корпусларига мувофиқ ҳолда жойлаштирилган. Ушбу ҳолда танланган янги ва дастлабки вазифаларнинг мувофиқлиги обидаларнинг бирламчи шаклланган планировкасига, конструкцияси ва интерьерига жуда кам таъсир кўрсатган.

Туризм муассасаси бутун-бир квартални эгаллаган Альтштадтдаги (Германия) сайёҳлик мажмуасининг ечими жуда қизиқарли. Катта ҳажмли бинолар қайта режаланмаган, уларда савдо заллари, ресторанлар жойлашган. Тузилиши бўйича кичикроқ бўлган меҳмонхона биноларнинг тепа қаватига жойлаштирилган. Меҳмонхоналар планировкаси тамоман замонавий комфортнинг (қулайликнинг) ҳамма талабларига жавоб беради, яшаш учун яхши шароитларни таъминлайди. Тарҳнинг композициявий схемаси (ички ҳовлиларда умумий хизмат кўрсатиш хоналарининг периметрал қурилиши) ва режавий ечимнинг дастлабки функционал асоси сақланган ва такомиллаштирилган. Турар жой фондининг қайта тикланиши бўйича Прага (Чехия)да катта тажриба тўпланган, кўп ҳолларда бино экстерьерига тегилмаган ички режавий ечим замонавий комфорт талаблари билан мувофиқликда бажарилади. Бу жиҳатдан Праганинг эски райони Янги Дунё (Новый свет)да қизиқарли обидалардан, одатдагидек рассомлар ижодий интеллегенциянинг турар жойи ва устахонаси сифатида фойдаланилган. Бинолардан концерт заллари сифатида фойдаланишда (Росток-Германия, Рига-Латвия ва бошқалар) бионинг ички тузилиши тўлалигича сақланади, одатдагидек, реконструкция махсус мебель, жиҳозлар ва ёритиш энг оддий ва содда тархий усуллар ёрдамида майдонни зоналаштириш билан чекланади.

Фойдаланишнинг бундай турлари (кутубхона, ўқув, концерт заллари ва шу кабилар) ҳажми жиҳатидан катта залларни талаб қилади ва одатдагидек, маълум тузилишдаги меъморий ёдгорлик тархида жиддий ўзгартишларга сабаб бўлмайди, шу сабабданг уларни зал тузилишига эга бўлган қимматли тарихий-меъморий ёдгорликлар учун тавсия қилиш мумкин.

Келтирилган мисоллар таҳлилидан кўришиб турганидек, “функциональ” тамойилини (бинонинг эски ва янги вазифасининг максимал яқинлашуви) сақлаган ҳолда бинонинг тархи ва конструктив тузилиши каби унинг бадий қиёфасини ҳам тўла сақлаш мумкин. Бу вазиятга асосланиб, Ўзбекистон меъморий ёдгорликлари учун функциональ вазифаси жиҳатидан фойдаланишга мослаштириш классификациясини ишлаб чиқиш мумкинлиги намоён бўлади. Энг аввал, меъморий ёдгорлик учун у ёки бу функциясини танлашни қайси омиллар белгилаб беради. Уларнинг энг асосийси жамиятнинг ижтимоий топшириғидир. Бундан ташқари, қуйидаги омиллар ташкил этувчи ҳисобланади: хом ашё базаси ва техник имкониятлар, у ёки бу обидага шаҳар эҳтиёжи, қурилишнинг аниқ ташкилотчиси (буюрматчи) ташаббуси. Ташкил этувчи омилларга, биринчи навбатда, бино қуриладиган жойнинг табиий иқлим шароитлари, маҳаллий анъаналар ва бунинг натижаси ўлароқ, давр бадий тарзига мувофиқ бадий ифодавийликнинг маълум воситаларини киритиш мумкин.

Шаҳар тузилишидаги ўрни бўйича ёдгорликларнинг қуйидагича жойлашишини кузатиш мумкин:

- шаҳар чеккасида;
- шаҳар марказида;
- шаҳарнинг муҳим жойларида;
- шаҳар атрофида;
- парк зонасида;

Жойлашишнинг ҳар бир тури обидага кўриқхона ёки бошқача функцияларга мослаштириш учун алоҳида ёндошувни талаб қилади. Шубҳасиз, фойдаланишга мослаштириш объектлари номенклатураси етарлича кенг. Гап биринчи даражали аҳамиятга эга бўлмаган меъморий ёдгорликлардан фойдаланиш ҳақида боряпти. Табиийки, юксак бадиий сифатга тегишли ноёб меъморий ёдгорликлар фақат маданий оқартув мақсадларида меъморчилик музейлари, музейлар, кўрғазмалар ёки намоёйиш қилиш объектлари сифатида фойдаланиши мумкин.

Айтилганларни жамлаб таъкидлаш мумкинки, меъморий ёдгорлик биноларининг янги вазифасини танлашга таъсир кўрсатадиган омиллар қуйидагилардан иборат:

- классификацион гуруҳ;
- объектнинг тарихий-меъморий биографияси;
- таъмирлаш лойиҳаси маълумотлари;
- мослаштириш бўйича берилган вариантнинг иқтисодий ва мантиқий мақсадга мувофиқлиги.

Архитектура ёдгорликларини фойдаланишга мослаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, бунда ёдгорликнинг дастлабки ҳолатини сақлашга интилиш билан бирга унинг “янги” объект сифатида фаолият кўрсатишига қулай шароит яратиб бериш ўртасида зиддиятлар келиб чиқади. Ёдгорликка ўзгартишлар киритилиши унинг бадиий қийматини пасайтиради; ёдгорликка фақат жуда зарур бўлгандагина, маълум шарт-шароит ва меъёрларни сақлаган ҳолда ўзгартишлар киритиш мумкин. Бу каби ишларни, умуман олганда, объектнинг таъмир лойиҳаси ишланаётган вақтда бажариш ва бу, лойиҳанинг якунловчи босқичи бўлиши керак.

Архитектура ёдгорлигининг максимал сақланиши ва бир вақтнинг ўзида, ёдгорликда жойлашган янги муассасаларнинг фаолияти учун меъёрий шароитларни яратишда бир қатор шартларни бажариш керак бўлади.

Бунга мувофиқ, Бухоро ёдгорликларидан, уларга зарар етказмаган ҳолда жамоат, маданий-оқартув муассасалари, умумий овқатланиш корхоналари, меҳмонхоналар, кўргазма заллари, музей ва шу қабилар учун ёдгорлик тарҳи ва ташқи қиёфасига ўзгартиришлар киритмаган ҳолда фойдаланиш мумкин.

Архитектура ёдгорликлари учун янги вазифанинг танланиши шаҳарсозлик жиҳатидан қатор масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ, жумладан:

- ёдгорликларни шаҳар структурасида жойлаштириш қоидаларини, уларнинг шаҳарсозлик аҳамиятини аниқлаш;
- ёдгорликнинг тарҳий тузилиши хусусиятларини аниқлаш;
- эски объект кўринишининг янги атроф муҳитга мувофиқлиги.

Бу масалаларни тўғри, оқилона ҳал қилиш учун, шаҳарнинг мустақил функционал элементларини тадқиқ қилиш зарур: музейлар, кўргазма заллари, ресторанлар, ошхоналар, кафе, чойхоналар ва шу қабил вазифалар уларнинг режавий тузилишига қўйиладиган талаблар нуқтаи назаридан ва бу маълумотларни меъморий ёдгорликлар режавий тузилиши билан таққослаш зарур. Ҳар бир ёдгорликнинг фойдаланилиши мумкин бўлган янги вазифалар рўйхатини аниқлаш зарур.

Ёдгорликлар учун мумкин бўлган бу вазифаларнинг мувофиқлик мезони бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

а) ёдгорлик тузилиши хусусиятлари ва ёдгорлик мослаштирилаётган муассасалар тузилиш хусусиятларини мувофиқлаштириш, обидада одамлар учун қулай шароитларни яратиш;

б) ёдгорликнинг ҳажмий ечими, тарҳи, конструктив ва бадий характеристикасини иложи борича сақлаб қолиш, бинонинг фаолият кўрсатишида номаъқул тартибни келтириб чиқарувчи ишлаб чиқариш жараёнларини бартараф этиш;

в) ҳар бир ёдгорлик вазифаси бўйича ўзига яқин бўлган, қайта режалаш, ўзгартиришлар, кўчиришларни талаб қилмайдиган бир қанча вазифалар бўйича фойдаланилиши мумкин.

Мослаштирилаётган меъморий ёдгорлик интерьерини лойиҳалаш масаласида тўхталиш зарур, негаки мослаштириш лойиҳасида интерьернинг ўрни катта.

Бу соҳада икки асосий йўналиш мавжуд-замонавий мебель ва жиҳозлар билан интерьерни замонавий кўринишда ҳал этиш ёки стилизация, яъни этнографик аниқлик, ўтмишнинг баъзи кўринишларини замонавийлаштириш.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, обиданинг асосий интерьерлари сақланиб қолган бўлиши, баъзи стилизация усуллари эса унга мос тушиши, бунда мебель ва жиҳозлар ташкил этилган ички кўринишга табиий боғланиши зарур. Замонавий инсоннинг бундай ечимларга қизиқиши табиий. Бу ҳолатда “ўтмиш” модаси ҳақида гапириш ноўрин. Шаҳарларнинг жамият ривожига ўсиш жараёнида, буни шартли тарзда “буюм ишлаб чиқариш механизацияси” деб атаймиз, вақтинчалик қатламланиш етишмаслиги шароитида интерьер буюмларини қўл ижоди махсули сифатида хис қилишга интилиш, вақт нафасини сезиш, буларнинг ҳаммаси психологик жиҳатдан тасдиқланган ва бусиз шаҳар ҳам, инсон ҳам яшай олмайди. Аммо қатор ҳолларда мослаштирилган обидалар интерьерларида нохуш кўриниш кузатилмоқда: бу аниқ ифодаланган, биринчи ўринга олиб чиқилган “намойиш индустрияси”, “аттракцион” яратишга мойиллик, интерьернинг аслигини янгилик очиш билан алмаштириш каби ҳолатлардир. Обидаларнинг асл интерьерлари мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга экан, меъморий ёдгорликда интерьернинг бундай талқин қилиниши маънавий жиҳатдан умуман ножоиздир.

Обидаларга аслилик ҳиссини бериш имкониятлари етарлича: республикада, ўз ижодида қадимий халқ анъаналарини кўллаб-

қувватловчи ва ривожлантирувчи интерьер предметларини тайёрлай оладиган асл усталар бор.

Архитектура ёдгорликларини қайта тиклаш муаммоларидан бири ёдгорлик қўриқхонасини ташкил қилиш масаласидир. Бунда қуйидаги вазиятлар муҳимдир:

- ўтмиш меъморий мероси берган ҳамма қимматли нарсаларни сақлашга ва ундан фойдаланишга интилиш, меросга, янги ижтимоий маданиятнинг ажралмас бир элементи сифатида қараш;
- реконструкция муаммосини ҳал этишга комплекс ёндошиш;
- тарихий район, шаҳар тарихини ўрганишига хизмат қилиш вазифасини ривожлантириш, унинг бадиий ва рационал ифодавийлигини кучайтириш.

1.5. Ўзбекистон архитектура ёдгорликларини замонавий мақсадларга мослаштиришнинг асосий услублари

Ўзбекистон архитектура ёдгорликларидан замонавий мақсадларда фойдаланиш, бир томондан уларни сақлашга, бошқа томондан эса алоҳида ёдгорликлар ва мажмуалар ҳаётини фаоллаштиришга йўналтирилган асосий принципларни ўрнатиш имконини беради.

Архитектура ёдгорликларини таъмирлаш уларни мослаштириш билан боғлиқ. Ёдгорликлар тарихий ва бадиий қийматдан ташқари моддий утилитар қийматга ҳам эга. Меъморий обидаларнинг бошқа санъат ёдгорликларидан фарқи ҳам шунда. Айрим архитектура ёдгорликларинигина (масалан, зафар дарвозаси, обелиск, вайроналар) фақат томоша қилиш учун фойдаланилади.

Утилитар қиймат ёдгорликларнинг ҳиссий, эмоционал таъсирини ҳам кучайтиради. Аввал ёдгорликлардан утилитар мақсадларда фойдаланишни салбий, қутулиб бўлмайдиган жараён деб тушунилган. Ҳозирги вақтда ёдгорликдан фойдаланиш икки томонлама-ҳам моддий,

ҳам маънавий фойда келтиради деб ҳисобланади. Маънавий фойдаси юқорида айтилгандек ҳиссий таъсирни кучайтиради; моддий фойдаси ёдгорликнинг ҳаётини узайтиради.

Обидадан тўғри фойдаланишнинг энг дастлабки талабларидан бири унга мос келувчи янги функцияни танлаш талабидир. Бадиан юқори, машҳур меъморий ёдгорликлар учун музейлаштириш, яъни уларда тўла томоша қилиш имкониятини яратиш зарур. Обидани музейлаштиришни уни музейга мослаштиришдан фарқлаш зарур. Музейга мослаштиришда келтирилган экспонатларни томоша қилиш учун шароит яратилади. Музейлаштириш эса ёдгорликнинг ўзини музейга айланттириш демакдир.

Обидани мослаштиришда кейинчалик кенгайишни талаб қилувчи функциялар одатда киритилмайди. Ёдгорликларда янги эшик, дераза очиш, зина куриш каби ўзгартиришлар аксари қилинмайди. Фавқулоддаги ҳолларда ёдгорликнинг асосий бўлмаган қисмларидагина ўзгартиришга рухсат этилади.

Ёдгорликка янги функция бериш талабларидан яна бири - ёдгорлик биноси ёки мажмуаси учун функциянинг яхлитлиги, яъни уни ягона мақсадда фойдаланишдир.

Янги функцияни тўла адо этилиши учун ёдгорликни унга мослаштириш зарур. Мослаштириш имкониятлари таъмирлаш имкониятларидан келиб чиқади. Шу билан бирга таъмирлаш вақтида мослаштириш вазифалари ҳам назарда тутилиши керак. Ҳозирги вақтда таъмирлаш ва мослаштириш масалалари комплекс равишда ҳал этилиши керак деб ҳисобланади. Бу муаммони ҳал этишда алоҳида олинган обидалар устида иш кўриш эмас, балки тарихий шаҳарнинг эски қисмида маҳаллаларда иш олиб бориш лозим. Бундай тарихий маҳаллаларда машҳур ёдгорликлар билан бир қаторда кўплаб оддий ёдгорликлар мужассам бўлади. Мазкур, комплекс ҳал этиш усули кўп мамлакатларда тадбиқ этилади ва уни ревалоризация, яъни қийматни тиклаш деб аталади.

Бунда ёдгорликнинг нафақат меъморий - бадиий қийматини, балки эксплуатациявий қийматининг тикланишини ҳам таъкидлаш зарур.

Мослаштириш жараёнида янги функцияни амалга ошириш учун жорий мезонлар (меъёрлар) билан ёдгорликни сақлаш талаблари ўртасида қарама - қаршилик вужудга келиб қолиши мумкин. Таъмирлашнинг «компромис» ечимида ёдгорлик қисмларининг нисбий қийматлари ҳам назарда тутилиши мумкин. Мажбуран киритилган эшик, дераза, зина каби янгиликлар ўтмиш билан ҳамоҳангликда, фаол мулоқатда бўлиши керак. Мазкур масалани ҳал қилишда уч йўналишда иш олиб борилади:

1 - йўналиш. Ёдгорликдаги янгиликларни ўтмиш усулида бажариш. Бу йўналиш аввал кенг қўлланилган. Бироқ унда ёдгорликни сохталаштириб юбориш ҳавфи бор. Замонавий таъмирлаш назариясида бу кенг қўлланилмайди, уни жуда эҳтиётлик билан қўллаш тавсия этилади.

2 - йўналиш. биринчисига қарама - қарши йўналишдир; янги меъморий унсурларда тарихий услублардан кескин фарқланадиган замонавий услуб қўлланилади. Лекин бу йўналишда ҳар доим ҳам таъсирчанликка эришилавермайди. Интеръерда қанчалик қадимги безаклар кам сақланган бўлса, янги унсурларни таъсирчан қилишда, одатда, имконият шунчалик кўпроқ бўлади.

3 - йўналиш аввалги иккисининг ўртасидаги йўналишдир. Очиқчасига замонавий унсур қўлланилади, бироқ эскисига бўйсундирилади. Бу йўналиш энг қийин бўлсада, уни кенг тадбиқ этиш тавсия этилади.

Ёдгорликни мослаштиришда уни муҳандисона жиҳозлар билан таъминлаш зарур бўлади. Аммо у ёдгорликка ҳалал бермаслиги лозим. Мослаштириш масаласини ечиш таъмирчи - меъмор зиммасида бўлиши лозим.

Ҳар бир меъморий обида муайян бир минтақа халқларига хос маълум бир давр маданиятининг равнақи, қурилиш услубияти, ота — боболаримизнинг ақл - заковатлари ҳақидаги тушунчаларимизни бойитишга қаратилган. Қолаверса, меъморий обидаларни таъмирлаш

ишларини тўғри ташкил қилиб, улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш, шу йўл билан уларни сақлаб қолиш, ҳаётга қайтариш йўлларини ахтармоқлигимиз даркор.

Архитектура ёдгорликларини борлигича сақлаб қолиш, уларни фақат томошага яроқли қилиб таъмирлаш билангина эмас, балки улар билан инсон алоқасини янада жонлантиришга, яъни уларни замонага хос хизмат кўрсатиш турларига мослаштиришга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Архитектура ёдгорликларини замонавий мақсадларда фойдаланишга мослаштириш биринчи навбатда ёдгорликни ва унинг маънавий моҳиятини деярли ўзгартирмасдан сақлаб қолишни кўзда тутиши шарт. Бу ерда асосий эътибор бир томондан, меъморий обиданинг бошланғич бадиий ифодасини, ҳажмий - фазовий ва режавий тузилишини (уйғунлигини) сақлаб қолишга қаратилмоғи, иккинчи томондан эса ёдгорликни "янги" объект сифатида фойдаланишда барча қўлай шарт - шароитларни яратишга қаратилмоғи зарур. Бу борадаги асосий муаммо обидани таъмирлаш, обиданинг қайси замонавий хизматлар турига яроқли ва уни қайси муайян хизматга мослаштириш мақсадга мувофиқлигини тўғри аниқлашдир.

Хўш, тарихий шаҳарлардаги меъморчилик обидаларини қайси мақсадларда фойдаланишга тавсия этиш мумкин? Мавжуд тарихий биноларни замонавий мақсадларда фойдаланиш учун биринчи навбатда тарихий обидани янги замонавий функцияга мослаштириш лойиҳаси ишлаб чиқилиши лозим. Обидани янги хизмат функциясига мослаштиришда асосан қуйидаги омиллар эътиборга олинishi тавсия этилади. **Биринчидан**, меъморий ёдгорлик жойлашган муҳитда ҳаётнинг қайси хизмат турларини ташкил қилишга заруррият борлигини аниқлаш лозим. Сўнгра ёдгорликнинг, яъни бинонинг дастлабки функциявий моҳияти, ҳажмий - режавий, композициявий тузилиши ва меъморий имкониятлари ушбу заруриятларнинг кўпроқ қайси бирига мос тушиши, шу функцияларнинг қайси бири, ҳам ёдгорлик учун, ҳам шаҳарсозлик ва ижтимоий ҳаёт учун самарали бўлишлигини ўйлаб кўриш лозим. Бунда

ёдгорликнинг режавий тўзилиши, тархи, тарзи ва ички кўриниши, асосий қурилмаларининг қай даражада сақланганлик хусусиятларини аниқловчи шартлар бўлиб хизмат қилади. Янги танланган функциянинг бино меъморий - режавий тузилишига салбий таъсир кўрсатмаслиги, бинонинг ҳар жиҳатдан яхши мустаҳкам сақланишига самарали фойда келтириши лозим. Янги функция ёдгорликнинг қурилмаларига, бадиий ва тарихий - ижтимоий моҳиятига, бино ички ва ташқи муҳитига зарар етказмаслиги керак. Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда меъморий ёдгорликларни замонавий мақсадларда фойдаланишга мослаштириш таснифини қуйидагича кўринишда тавсия этиш мумкин:

- турар - жой ва яшашга, тахсил олишга мўлжалланган тарихий биноларни (турар - жой, мадрасалар, қарвон-саройлар, раҳбатлар, хонақоҳларни) дастлабки функциялари ва режавий ечимларини эътиборга олиб меҳмонхоналар, ширкатхоналар, ётоқхоналар, мотеллар, кемпинглар, сайёҳлар ва экскурсия манзилларига мослаштириш;

- савдо-сотиқ иншоотларини (тоқ, тим ва чорсуларни) ўз навбатида замонавий савдо қорхоналари - савдо марказлари, магазинлар, савдо дўконлари, расталари ва кўрғазмаларига мослаштириш;

- ибодат биноларини (масжидлар, миноралар, намозгоҳларни) кўрғазма ва экспозиция заллари, халқ ҳунармадчилиги уйлари, музейларга мослаштириш, зарурат туғилганда эса масжид ва минораларни ўз функцияларига қайтариш;

- саройлар ва кўрғонларни ўз навбатида сайёҳлар мажмуасига, йирик музейларга, ресторанларга, ошхоналарга, қаҳвахоналарга, чойхоналарга ва шунга ўхшаш муассасаларга мослаштириш;

- фуқаро биноларини (ҳаммомлар ва бошқа меъморий ёдгорликларни) алоҳида хизмат кўрсатиш ва соғломлаштириш муассасаларига - ҳаммом, маиший хизмат уйлари, кўрғазмалар, санаторияларга мослаштириш тавсия этилади.

Таклиф этилаётган функцияга мослаштириш кенг кўламга эга бўлиши мумкин. Хозирги вақтда давлат ихтиёридаги кўпгина собиқ масжид ва мақбаралар диний ташкилотларга қайтариб берилмоқда. Мисол учун, Бухородаги Жоме масжиди, Баҳовиддин Нақшбанд масжиди ва мақбараси, Сурхондарё вилоятидаги Абу Исо ат-Термизий мақбараси ва бошқаларни диний ташкилотларга қайтариб берилди. Эҳтимол кўпгина ёдгорликларнинг диний ташкилотлар ихтиёрига қайтариб берилиши меъморлик обидаларининг сақланиб қолинишига омил яратади. Аммо юқори даражадаги бадий ва ижтимоий моҳиятга эга бўлган меъморий ёдгорликлар, масалан Бухородаги Арк, Хивадаги Ичан-Қаъла мажмуа ёдгорликлари асосан маънавий мақсадларида: миллий музейлар, кўрғазмалар ёки меъморий томоша манзилгоҳлари, очик ҳаводаги миллий театрлар сифатида фойдаланилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Бу соҳада республикамиздаги "Ўзбектаъмиршунослик" - Ўзбекистон меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва фойдаланишга мослаштириш очик акционерлик жамияти орттирган илмий ва амалий тажрибалар, айниқса, диққатга сазовордир. Унда Кўқон, Нурота каби тарихий шаҳарлардаги бир қанча меъморий обидаларни таъмирлаш ва фойдаланишга мослаштириш лойиҳалари ишлаб чиқилган ва амалга оширилган. Илмгоҳда меъморий обидаларни таъмирлаш, сақлаш ва замонавий мақсадларда фойдаланишга тегишли қатор тавсияномалар ишлаб чиқилган ва ҳаётга тадбиқ қилинган.

2--БОБ. АРХИТЕКТУРА ЁДГОРЛИКЛАРИДАН ЗАМОНАВИЙ МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИШ ЛОЙИХАЛАРИНИНГ МЕТОДИК АСОСЛАРИ

2.1. Архитектура ёдгорлигидан фойдаланиш вазифаларини ва унинг муҳофаза ҳудудини аниқлаш

Ўзбекистоннинг жаҳоншумул машҳур бўлган шаҳарлари: Бухоро, Самарқанд, Хива ва бошқа тарихий шаҳарларида қадимги Бактрия подшоҳлиги давридан бизнинг кунларимизгача бўлган ўтмиш машҳур меъморий ёдгорликларининг каттагина қисми сақланиб қолган. Улардан кўпи деярли дастлабки кўринишида сақланган ва дунё меъморчилигининг ноёб асарлари ҳисобланади. Бугунги кунда республика ҳудудида 10000 дан ортиқ тарихий ёдгорлик мажуд бўлиб, улардан 7844 таси давлат ҳимоясига олинган, шу жумладан ЮНЕСКО ҳимоясидаги Биби-хоним масжиди, Шохи-Зинда мақбаралар мажмуаси, Регистон мажмуаси, Афросиёб қадимги шаҳри, Гўри Амир ва Исмоил Сомоний мақбаралари Шарқ ва Марказий Осиё халқлари меъморчилик санъатининг дурдоналаридир. Темурнинг набираси Улуғбек ҳукмронлик қилган даврда барпо этилган Регистон майдонини меъморчиликнинг ажойиб дурдонаси деб билиш мумкин. Майдон мажмуасини 1420 йилда қурилган Улуғбек мадрасаси, 1619-39 йилларда қурилган Шер-Дор мадрасаси, 1640 йилда барпо этилган Тилла Қори мадрасалари ташкил этади (1,12,13-илл). Ҳозирги вақтда ушбу мажмуадан меъмориал музей сифатида фойдаланилмоқда.

Самарқанднинг яна бир ажойиб мажмуаси XIV-XV асрга тегишли бўлган Шохи-Зинда қабристонидир. У, шунингдек, “сирланган кошинлар безакли музейи” деб ҳам ном олган, бунинг сабаби мақбараларнинг ранг-баранг безакларга бойлигидадир. (14 илл).

Бухоро - музей шаҳар, миллий анъаналар замонавий ҳунармандчилик устахоналарида барқ уриб ривожланаётган халқ санъати шаҳри. Бу ерда турли тарихий қатламлар узвий чатишиб кетган, қадимги меъморий муҳит

яхши сақланган ва буларнинг ҳаммаси шаҳар замонавий ҳаёти билан уйғунликда. Бухоро вилоятида 660 тарих ва маданият ёдгорлиги ҳисобда туради, улардан 283 таси республика ва 377 таси маҳаллий аҳамиятга эга. Бухорода жойлашган 292 тарихий маданият ва меъморилик ёдгорликларидан 70 тадан ортиғи дунёга машҳур ёдгорликлар ҳисобланади ва улар тўлиқ таъмирланган.

Қадимги адабий манбаларнинг гувоҳлик беришича, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида Бактрия ёки Тохаристон (Амударё ўрта оқимининг икки томонидаги ерлар) Суғдиёна, (Қашқадарё ва Зарафшон дарёси воҳалари), Хоразмия (Хоразм), Паркана (Фарғона) ва бошқа ўлкалар жойлашган. Бу ўлкаларда яшаган турли қабилалар, ўзига хос ва юксак маданиятли йирик иттифоқларни ташкил қилганлар. Бу маданият ривожланишининг юксак поғонасида турган шаҳарсозлик санъати сифатида ҳам ўз ифодасини топган: кўча ва майдонлар, турар жой маҳаллалари, жамоат мажмуалари, истеҳкомлар режавий ечимларининг мақсадга мувофиқлиги, юксак эстетик сифатлари ҳамда ҳамма шаҳарсозлик омиллари назарда тутилганлиги билан ажралиб туради. Бу ўлкалар қурилиш санъатининг мустаҳкам анъаналарини Ўзбекистон халқи бошидан кечирган тарихий бурилишлар йўқ қила олмади. Жамоа ва маданият мажмуалари ҳокимият саройлари, ибодатхоналар ва турли маросимлар билан боғлиқ бўлган ибодат масканлари, шаҳар истеҳкомлари борган сари ривожланиб ва мукаммаллашиб борди.

Лекин VII асрнинг иккинчи ярми ва VIII асрда Мовароуннахр, Хоразм, Фарғонанинг қурилиш фаолиятида араблар истилоси ва арабларга қарши халқ ҳаракатлари туфайли узилиш бўлди ва фақат IX-X асрлардагина қайта жонланди. Бу жонланиш феодал шаҳарларининг ўсиши, ҳунармандчилик ва қурилиш санъатининг ривожига сабаб бўлди. Жумладан, халқаро маданий ва савдо муносабатлари мустаҳкамланишининг таъсири билан боғлиқ омиллар ва ҳ.к.

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларининг даврда қуйидаги тарпқибий қисмлари ташкил топган эди:

- а) арк-қалъа - (шаҳар ҳукмдорининг қўрғони);
- б) шахристон - (шаҳар деворлари билан ўралган шаҳар аҳолиси яшайдиган ҳудуд);
- в) рабод - (шаҳарнинг ҳунармандлар устахоналари ва асосий бозорлари жойлашган ташқи қисми).

Ўрта Осиёдаги тарихий шаҳарларнинг бундай тузилиши шаҳар асосий йўлларининг кесишган жойдаги чорсуларнинг радиал ва айлана йўллар билан тўлдирилиши, шаҳарларнинг бир неча қисмларга бўлинишини таъминлади. Шу билан бирга жамоат биноларининг янги турлари пайдо бўлди.

Кўп сонли диний маросимлар ўрнига ягона ислом динининг ташкил топиши билан турли динларнинг ибодатхоналари масжидларга айлантирилади. Бироқ ҳали бу даврда диний мазҳаблар сақланган эди. Масалан, сўфийлик мистик мазҳабида мазҳаб аъзолари учун зикр тушиш жойи бўлган, маданий биноларнинг янги тури - «хонақо»лар, дин пешволарининг мақбаралари-«мозорлар» барпо этилган.

Сарой, маъмурий, маданий биноларнинг катта мажмуалари, одатда, бош майдонларда жойлашган, уларни боғловчи бош магистраллар эса, савдо қаторларини ташкил қилган. Савдо кўчалари ҳунармандларнинг ишлаб чиқариш кварталлари (гузарлари) билан боғлангани учун бозор ва савдо расталари «шахристон»га эмас, «рабод»ларга олиб боради ва ҳунармандчилик турлари бўйича гуруҳланади. Савдо биноларининг «тимлари», «тоқи», «чорсу», шунингдек, коммунал иншоотлар-«ҳаммомлар» ва меҳмонхоналар, карвон-саройлар, таълим-тарбия муассасалари - мактаблар ва мадрасалар, илм-фан муассасалари - «хонлар»ининг янги турлари ташкил топади.

Бу вақтда Ўзбекистонда қарор топган ислом дини маҳобатли мусулмон меъморчилигини юзага келтиради. Йирик шаҳарларда “жоме”,

«жума» масжидлари, шаҳар гузарларида эса «гузар» масжидлари қурилади. Динга хизмат қилувчиларни ўқитиш учун мадрасалар, олий диний мактаблар қурилади. Ҳажми анча катта бўлган ва узокдан кўриниб турувчи, баланд минорали бу ибодат бинолари шаҳарнинг муҳим ва энг яхши жойларига қурилади, улар ўрта асрлар шаҳарларининг асосий композицион тугунлари бўлиб қолади. Лой қоришмали ҳам ғиштдан, гумбазлар ва равоқлар оралиғини катталаштириш, иншоотларнинг ўлчамини йириклаштириш имконини берувчи пишган ғишт ва майоликага ўтиб, қурилиш техникаси ҳам мукаммалашади.

Ўзбекистонда, айниқса мўғуллар босқинидан кейинги даврлардаги ўрта аср шаҳарларининг характерли хусусиятлари Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент каби шаҳарларда яққол намоён бўлади. XVI-XVII асрлардаги Самарқанд мажмуалари бошқа ёдгорликларга нисбатан яхшироқ сақланган ва улар айнан шу давр меъморчилик ривожини характерлаб беради. IX-асрдан XX-асргача бўлган барча даврлар ёдгорликлари мавжуд бўлган Бухоро қурилишлари тўлароқ ва кенгроқ вақт чегарасида сақланиб қолган, шунинг учун бу “музей шаҳар”нинг барча ёдгорликлари ёрқин намуна сифатида ўрганилмоқда. Ўтган юз йилликлар ёдгорликлари Хива шаҳрида ҳам жуда яхши сақланиб қолган.

«Архитектурное наследство» (меъморий мерос) журналидаги В.Л. Воронинанинг «Ўрта Осиё мажмуалари» мақоласида шундай далиллар қайд қилинади: “XV-XVI асрларда шаҳарлар, жамоат ва ибодат қилинадиган бинолар билан тўлди, катта ва кичик гумбазлар устида миноралар қад ростлади. Бу вақтга келиб биноларнинг режавий ва ҳажмий-фазовий тузилиши бениҳоя ривожланди ва мураккаблашди. Қурилишларнинг табиий ривожланиши йўлларни чалкаштириб юборди, турли туман бинолар катта тупкумларни ташкил қилди, шаҳар ўртасида марказлар, чорсулар, уюшган мажмуалар ҳосил қилиб, зич бир бутун яхлитликка туташиб кетди”.

Шаҳар деворлари XX асрларгача ўз мудофаа вазифасини сақлаб қолди. Шаҳарларнинг меъморий-режавий тузилиши ривожини бир хил кечмакди. Ўрта аср шаҳарларининг қиёфаси, шаклу-шамойили бўйича турлича: Хива ва Шаҳрисабз тўғри бурчакли шаклни сақлаган бўлса, Бухоро шаҳри тўғри бўлмаган контурга эга, Тошкент эса ўз ички ва ташқи рабодлари билан деярли айлана шаклини ташкил қилган. Ўзбекистон ҳудудида қимматбаҳо меъморий шаҳарсозлик меросига эга бўлган 20 га яқин тарихий шаҳарни қайд этиш мумкин.

Қадимий шаҳарларнинг кўпчилиги бир қанча маданий-тарихий даврларни босиб ўтган, бугунги кунгача шаҳарсозлик меросини сақлаб қолган, бир неча бор ўз тузилишини ўзгартирган. Ҳар бир даврга мос алоҳида шаҳарлар ва уларнинг алоҳида марказлари кетма-кет шаклланган. Шаҳар меъморий тузилишининг ўзгаришидаги кетма-кетлик жамият тараққиёти билан аниқланган; юксалиш даврлари инқироз даврлари билан алмашинган, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам ижтимоий - иқтисодий омиллар билан шаҳар меъморчилиги ўртасида боғлиқлик ўзгармай қолаверган.

Турлича натижаларда ҳам ифодалилиқ воситалари, қурилиш материаллари, меъморий шаклларнинг бирлиги, уларнинг турлича қўлланилиши мажмуаларнинг яхлитлигини ва бир бутунлигини яратган. Умумий ранг гаммаси, безаклар тизими, композицион услублар бу даврда Ўзбекистон меъморчилиги учун хос бўлган усулларни ҳажмларнинг симметриявийлиги, композиция мураккаблигининг ошиб бориши, рельефни ва ландшафт табиий хусусиятларини ҳисобга олишни ишлаб чиқишга ёрдам берган. Амир Темур ва темурийлар бошқарган марказий ҳокимиятнинг кучайиши билан бу ҳокимликнинг рамзи сифатида иншоотларнинг ҳашамдорлиги ҳам ошди. Мажмуалар тузилиши вазифаси жиҳатидан турлича бўлган хоналар марказий бўлим ёки зал атрофида гуруҳланган масжидлар, овқатланиш хоналари, зиёратхоналар, дахма ва бошқалар билан мураккаблашди. Масалан, Туркистон шаҳридаги Хожа

Ахмад Яссавий мақбараси шундай тузилишда. Унинг композицияси тарх ва ҳажмларнинг бўйлама ўқ бўйича симметрик жойлашишига асосланган. Ёдгорликнинг бош ўқида зиёратхона-«қозонхона» ва Ахмад Яссавийнинг гўрхонаси, икки томонда икки ярусда масжид, «халимхона», кутубхона, заллар ва ибодатчилар учун «хужралар» жойлашган. Бино ҳажмий тузилишида ташқи деворларнинг тўғри тўртбурчаги, унинг тепасида қозонхона, зиёратхона ва даҳмаларнинг гумбазлари баланд кўтарилган ва икки томонида бақувват миноралар билан бош тарзнинг улкан пештоқи жойлашган (11 илл).

2.2. Тарихий ёдгорликларнинг шаҳарсозликда жойлашиши ва улардан фойдаланиш усуллари

Ўзбекистонда қадимги Бақтрия подшоҳлигидан бизнинг кунларгача меъморий ёдгорликлар мажмуалари сақланиб қолган. Қадимги маданият ривожининг энг юқори даражаси XIV аср охири - XV асрларга тўғри келади ва Темурийлар ҳокимияти пойтахти Самарқандда қад ростлаган бадий жиҳатдан ёрқин бўлган ёдгорликларда ўз ифодасини топган.

Агар ёдгорлик-бинолардан замонавий ижтимоий эҳтиёжлар учун фойдаланиш масаласига мурожаат қилсак, бугунки кунда меъморий ёдгорликларнинг деярли кўпчилигидан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаябди, деган хулосага келиш мумкин. Бундай ҳолат уларни таъмирлаш ва сақлаш учун давлат маблағининг етишмаслиги билан эмас, балки бинолардан нотўғри фойдаланиш туфайли юзага келади ва бунинг устига мадраса, масжидларда омборхоналар, гаражлар, ишлаб чиқариш корхоналарининг жойлаштирилиши уларнинг сақланишига зарар етказди (15,19,21,22-илл.)

Бу тасодифий эмас. Бизнинг Республикамизда меъморий ёдгорликларни таъмирлаш ва консервациялаш тамойиллари етарлича яхши ишлаб чиқилмаган, бу ҳақда фақат Е.В. Михайловскийнинг ишлари

«Меъморий ёдгорликларни таъмирлаш», тўплам кўринишидаги «Тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш, таъмирлаш ва тарғиб қилиш» каби назарий тадқиқотлар эмас, балки чет эл тажрибалари, шу жумладан Москва, Санкт Петербург, Киев, Ростов ва бошқа тарихий шаҳарлардаги ёдгорликларнинг тикланиши гувоҳлик беради.

Ёдгорликлардан комплекс фойдаланишнинг илмий тамойиллари мавжуд эмас, бунинг натижасида ёдгорликлардан амалий ва бошқа вазифалар учун фойдаланиш, одатда, тасодифий характер касб этмоқда.

Республика шароитида меъморий меросдан оқилона фойдаланиш ва қайта тиклаш асосий ишлардан бири бўлиб қолмоқда: айнан, обидаларни қайта тиклаш ва улардан турли вазифаларда тўғри фойдаланиш ёдгорлик умрини узайтиришнинг асосий шарти бўлиб қолмоқда..

Архитектура тарихида ўтган давр шуни кўрсатадики, ўтмиш ёдгорликларидан фақат инсонга хизмат қилган нарсаларгина сақланади, парвариш ва ғамхўрлик предмети бўлиб қолади.

Самарқанд ва Хива шаҳарларининг бош режалари лойиҳалари уларда асосан ёдгорликларга нисбатан кераклича аҳамиятнинг йўқлиги сабабли рад қилинган эди. Эндиликда кўриқхона деб эълон қилинган Хивадаги Ичан-Қала шаҳарнинг узвий бир қисмидир. Қалъа деворлари атрофидан транспорт магистралининг ўтказилиши унча олиб борувчи йўлларни ҳимоясиз қилиб яланғочлаб қўйди, кўчалардаги бир томонлама йўналишни келтириб чиқарди. Ичан-Қала шаҳардан ажратиб қўйилган, унинг атрофида кўкаламзор зона яратиш қарори нотўғридир. Бу билан шаҳарнинг яхлитлиги бузилган, кўриқхона зонасининг атроф муҳити йўқ қилинган бўларди. Самарқанддаги машҳур меъморий ёдгорликлардан бири Гўри Амир мақбараси ёнида қурилган 9 қаватли меҳмонхона биноси ёдгорликни кўришга халақит беради, меъморий уйғунсизлик келтириб чиқаради. Хивада ҳам бу хатони амалга ошириш кўзда тутилган эди. Бухоронинг тасдиқланган бош режаси лойиҳаси ҳам бир қатор камчиликларга эга. Бухоронинг қадимий қисми кўриқхона ҳисобланади.

Аммо, қўриқхонанинг ёдгорликлар якка ҳолда сақланадиган алоҳида микрорайонларга бўлинишини кўзда тутган шаҳар қўриқхона қисмининг бундай ечимига йўл қўйиб бўлмайди. Бухоро бош режаси лойиҳаси бўйича шу нарсани тушунса бўладики, “...чамаси 1980 йилда, шаҳар қадимий қисмининг аҳолиси янги микрорайонларга кўчирилган, қолган пахсали турар жой бинолари эса ёмон аҳволга тушиб, секин-аста вайрон бўла бошлаган. Бунинг оқибатида қўриқхона ҳудуди тозалана бошлаган, ва қадимий шаҳарда, монументал меъморчиликнинг бир-биридан алоҳида турган қадимий ёдгорликларидан ташқари ҳеч нима қолмаган... қўриқхона, қадимий меъморчиликнинг алоҳида жойлашган ёдгорликларидан иборат майдонга айланган”.

Самарқанд ва бошқа тарихий шаҳарларда ҳам аҳвол худди шундай. Бу кўнгилсиз далиллар реконструкциянинг энг катта муаммоларидан бирига айланиб, бугунги кунда қўриқхоналарни ташкил қилиш бўйича етарлича асослаб берилган лойиҳа ёки тавсиялар, кўриб чиқилган объектлар бўйича биноларни музейлаштиришга тегишли тавсиялар йўқлигидандир. Агар фақат Бухоро шаҳри ёдгорликларининг ҳозирги аҳволи кўриб чиқилса, шу нарса аён бўладики, бинолар ва уларнинг атрофида муҳофаза ҳудудларини ташкил этиш бўйича энг шошилиш чораларни кўриш зарур. Талипоч дарвозасининг таъмири тугалланган, шаҳарнинг қадимий деворлари қисман авария ҳолида; Чашма-Аюб мақбара-масжидининг таъмири тугалланган; Нау ҳовузи кўриб чиқилган ва кўмилган; Абдулазиз волидасининг масжиди авария ҳолатида, Халифа Худайдод мажмуаси қониқарсиз аҳволда; Абдуллахон мадрасаси қисман таъмирланган; Модарихон мадрасаси қисман таъмирланган; Арк деворлари қисман авария ҳолатида; Хазрати Имом ҳовузи бузилган; Калон минораси авария ҳолатида; Мир-Араб мадрасаси қониқарсиз аҳволда; Турсунжон мадрасаси авария ҳолатида; Абдулазизхон мадрасаси қониқарсиз аҳволда; Абдуллахон тими қисман таъмирланган; Саррафон ҳаммоми қисман тикланган; бошқа ёдгорликлар ҳолати ҳам худди шундай:

карвон-саройлар, Мағоки Атторий масжиди, Аълам мадрасаси, Хўжа Калон масжидлари, Турки Жанди мақбараси, Истезо мадрасаси; гузар масжидлари ва бошқалар.

Бу фақат мавжуд аҳволнинг қисқача шарҳи, Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги ёдгорликлар аҳволи ва улардан фойдаланиш масалалари ҳам бундан яхши ҳолатда эмас. Ҳақиқатда эса, ёдгорликларни илмий асосда фойдаланишга мослаштириш уларни тезда таъмирлашга қандай ёрдам берса, уларни етарлича кенг кўламда шаҳар ҳаётига киритишга ҳам шунчалик ёрдам берган бўларди. Бу ерда ёдгорликлардан музей, кўрғазма заллари, маданий-маърифий ва маъмурий бинолар, хизмат кўрсатиш корхоналари, туризм ва дам олиш жойлари сифатида фойдаланиш мумкинлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Бизнинг республикаимиз шароитида меъморий ёдгорликлардан маданий-маърифий ва сайёҳлик мақсадларида фойдаланишни, шунингдек, кўриқхона ва шаҳарлар тарихий ядросини ташкил қилиш тажрибасини бемалол қўллаш мумкин.

Тарихий шаҳарлар реконструкцияси тўхтовсиз ва табиий жараён, ҳар бир босқич, асосан, қуйидаги вазиятларга олиб келадиган янги талабларни илгари суради:

- шаҳар турар жой муҳитини тубдан яхшилаш, турар жой муаммосини ҳал этиш;
- хизмат кўрсатиш корхона ва муассасалари, жамоат бинолари номенклатурасини кўпайтириш;
- хизмат кўрсатиш марказларини, аҳоли эҳтиёжини қондира оладиган ўзаро боғланган режавий тизимга айлантириш;
- меъморий ёдгорликларни сақлаш, реконструкциялаш, таъмирлаш, улардан кенг фойдаланган ҳолда замонавий қурилишларга кўшиш;
- шаҳар магистраллари ва марказга туташувчи кўчаларни қайта қуриш;
- транспорт ва пиёдалар йўлларини бир-биридан ажратиш;

- муҳандислик ободончилиги тизимларини реконструкциялаш;
- аҳолининг маиший ва санитария - гигиеник шароитини яхшилаш.

2.2. Ўзбекистонда архитектура ёдгорликларини қайта тиклаш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш тажрибалари

Ўзбекистоннинг архитектура мажмуа(ансамбл)лари таркибига кўплаб зиёратгоҳ иншоотлар киради. Бундай ёдгорликлардан энг машхури Самарқанддаги ҳозирда йўқ бўлиб кетган меъморий мажмуанинг таркибий қисми ҳисобланган Гўри Амир мақбарасидир. У Амир Темурнинг набираси бўлган Муҳаммад Султон хонақоси ва мадрасани бирлаштирувчи ҳовли ўқида жойлашган. Гўри Амир ҳозирги вақтда меъмориал музей сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Мажмуа яратишда энг кенг тарқалган композицион усул, бу тархий ўқда икки бинони бир-бирига қаратиб қарама-қарши жойлаштириш, яъни “қўш” усулидир. Бинолар бир-бирини деярли қайтаради, уларнинг фасадлари баланд пештоқлар билан бойитилган, улар ўз пластика ва композицияси бўйича турлича бўлсада, пропорцияларининг аниқлиги, шакл ва безакларининг мувозанатлилиги билан яхлит туркумдаги бинолар кўринишини олган.

Майдонни ташкиллатиришдаги яна бир характерли композициявий усул, бу бинолар (зиёратгоҳлар, жамоат бинолари ва шу кабилар)ни бир-бирига жуфт тарзда параллел ўқларда жойлашган бинолар билан ҳосил бўлган очик бўшлиқ майдон киради. Масалан, бундай жуфт композициявий усулда қурилган бинолар туркуми Самарқанддаги Шоҳи Зинда мажмуаларида намоён бўлади.

Самарқанд савдо кўчаларининг кесишувида ҳосил бўлган ва гумбазли бино «чорсу» билан белгиланган майдон бўшлиғи ва учта улкан мадраса биносидан ташкил топган Регистон мажмуаси дунёга машхурдир. Ушбу мажмуа асосчиси машхур саркарда ва олим Мирзо Улуғбекдир.

Мажмуадаги илк мадраса 1417 йилда қурилган. Ҳозирги вақтда Регистон майдони мажмуаси бинолари меъморий ва мемориал музейлар сифатида фаолият кўрсатяпти.

Бухородаги Лаби Ховуз ёнидаги бинолар мажмуаси (хонақоҳ ва Нодир Девон Беги мадрасаси, 1622-1629 йиллар) композицияси ҳам шундай услубда қурилган. 1578-1579 йилларда қурилган Кўкалдош мадрасаси ўзининг бош тарзи билан майдонга қаратилган. Майдон марказида ховузнинг ўрнатилиши мажмуанинг ўзига хос фазилати ҳисобланади. Ховуз, мажмуанинг муҳим композициявий элементи бўлиб, унга дабдаба ва гўзаллик бағишлайди. Мажмуа икки параллел кўча билан чегараланган майдонда жойлашган ва ўз таркибига ховуз, мадраса ва хонақоҳни олади. Нодир Девон Беги мадрасаси бу ерда илгаридан мавжуд бўлган карвон-сарой биносини реконструкция қилиш орқали яратилганлиги учун мадраса биносининг анъанавий турига кирмайди (ундаги бурчак хоналарининг тепаси гумбазли эмас). Ҳозирги вақтда Лаби Ховуз майдонида ховуз билан ёнма-ён, ёзги майдонли чойхона ташкил қилинган. Кўкалдош мадрасасидан экскурсия базаси сифатида фойдаланиляпти, Нодир Девон Беги мадрасасида таъмир ишлари олиб бориляпти, Нодир Девон Беги хонақоси дин ва атеизм музейи бўлиб хизмат қилмоқда. Мажмуаларни яратишнинг «Кўш» услуги, яъни (биноларнинг бўйлама ва кўндаланг ўқларда жойлаштирилиши, шунингдек, Бухородаги Калон масжиди мажмуасида ҳам қўлланилган. Бунда Калон масжиди ва Мири Араб мадрасаси (1535 й.) бир ўқда бир-бирига қарата жойлаштирилган. Мадрасанинг бош тарзи бурчак гумбазлари билан мувозанатлаштирилган баланд кўтарилган пештоққа эга. Композиция масжид бурчаги олдида жойлашган, ўта бой безатилган ва мажмуанинг баланд акценти бўлган XI аср Калон минораси билан яқунланган. Ҳозирги вақтда Калон масжиди сайёҳлар учун намойиш қилинадиган объект, Мири Араб мадрасаси ётоқхонали диний мактаб сифатида қўлланиляпти. Худди шу композициявий усуллар Бухоронинг

бошқа кўп меъморчилик ёдгорликлари учун ҳам характерлидир: Модарихон мадрасаси (1566-77 йй.) Абдуллахон мадрасаси (1588-90 йй.). Уларнинг тарзлари ва мажмуалар майдонининг умумий композицияси юқорида келтирилган намуналарга ўхшашдир (19-илл.).

Ҳаммага маълумки, Бухоро ва Самарқанд мажмуаларининг бирортасида уларни яратган меъморларнинг дастлабки ғоялари сақланмаган, аммо асрлар давомида олиб борилган қурилишлар, анъанавий композицион усулларнинг изчиллиги ва ривожини ўзининг бош қоидаси сифатида сақлаб келган.

Юқорида санаб ўтилган намуналарда биз маҳобатли меъморий мажмуалар ва биноларни кўрдик, лекин республикада кичикрок мажмуалар ҳам бор. Самарқанддаги Хўжа Ахрор ва Хўжа Абди-Дарун мақбаралари олдидаги кичик бинолар мажмуалари, бу ердаги мақбара, масжид ва кичик мадраса бинолари ички ҳовли атрофида жойлашган, ўлчамлари жиҳатидан каттагина бўлган ва дарахтлар билан ўралган ҳовуз эса ушбу фазовий композициянинг маркази бўлиб хизмат қилади. Бу каби мажмуалар қандайдир берк (махдуд) кўринишда ва уларнинг шаҳар меъморий композициясига таъсири деворлардан кўтарилиб турувчи алоҳида гумбаз ва миноралар билан чекланади.

Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларида, одатдагидек, хом ғишт ёки синчлардан қурилган, бой қилиб безатилган ёғоч деталларга эга бўлган гузар масжидлари кўп. Миноралар ва кўпгина майдончалар билан ўралган ҳовузлар уларнинг доимий хос бўлган белгиларидир. Бундай содда, лекин шинам, ўз микроклиматига эга бўлган соя-салқин мажмуалар қаторига Хўжа-Зайнитдин масжид-хонақоси, Болоҳовуз, Баланд ва бошқа масжидларни (Бухоро ш.) мисол қилиб кўрсатиш мумкин (20-илл.).

Бухоро яқинидаги Чор Бакр мажмуаси (XVI-XVII аа) ҳам жуда қизиқарли усулда қурилган. У хонақо ва Абдуллахон масжиди бинолари, композиция ва ҳажми жиҳатидан турлича бўлган хужралардан ташкил топган. Мажмуанинг ҳажмий таркибини мувозанатда тутадиган минора,

мажмуанинг ажралиб турувчи белгиси бўлиб хизмат қилади. Мажмуа, унинг вазифасини намоён қилиб турадиган берк, ажратилган майдонга эга. Бундай шаҳарсозлик ва композициявий усуллар ўтмиш меъморлари томонидан кўп қўлланилган ва турлича ўзгартирилган. Ҳозирги вақтда бу мажмуалар қайта тикланиб таъмирланган (17-илл).

Бу усулларнинг яна бир турини Бухоро яқинидаги Баховуддин мажмуаси намоёни қилади. Мажмуа ассиметрик тархи билан ажралиб туради, у вазифаси жиҳатидан турлича бўлган бинолардан иборат. Ховузлик ички ҳовлида «авлиё» мозори жойлашган, ҳовлини масжидлар, мақбара бинолари ўраб туради ва мазордан мажмуани ажратиб турувчи деворлар билан чегараланган. Мажмуага карвон-сарой биноси, минорали масжид, кенг ҳовузлик катта боғ киради. Ҳозирги вақтда мажмуа қайта тикланиб таъмирланган (18 илл).

Хива архитектура ёдгорликлари ҳам хушманзара гуруҳларни ташкил қилади, соя-салқин, очик ва ёпиқ майдонларнинг алмашилиши билан ўйлаб топилган манзара ёрдамида шаҳарнинг бадиий кўриниши бойитилган. Ёдгорлик биноларнинг кўпи аниқ ифодаланган амалий вазифага эга ва улар катта тарихий савдо шаҳрининг қадимий ҳаётини намоёни қилиб турибди. (15,41-илл).

Шаҳардаги ва шаҳар атрофидаги мажмуаларнинг бари композициявий усуллари бўйича бир хил, бир бутун ва меъморий шаклларнинг турли-туманлигида яхлит меъморий кўринишни ташкил қилади.

Ўрта Осиё шаҳарлари, бир бутунликда, мураккаб система ҳисобланади, улар вақт ва функционал омиллари жиҳатидан турлича. Бу шаҳарларнинг ўзига хос хусусияти кўчаларнинг бурилиш ҳаракати, текис ва гумбазли қурилишларнинг контрастида, шаҳар силуэтида қад ростлаган минораларда ўз аксини топган.

Келтирилган қисқача тарихий шарҳ, Марказий Осиё шаҳарлари тузилишининг шаҳарсозлик усуллари ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилади. Шаҳар қурилиши тизимида бино ва мажмуалар асосий турларининг

аҳамиятини аниқлаш учун зарур тураржой меъморчилигини алоҳида қайд этиш керак. Кам қаватли «гиламунах» қурилиш фақат шаҳар асосини ташкил этибгина қолмай, юқоридаги маҳобатли мажмуаларнинг табиий фони сифатида ҳам ажралмас қисми бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистоннинг тарихий мажмуалари ва ёдгорликларининг ўзига хослиги, бир томондан, аниқ ҳаёт тарзи ва жамият муносабатлари, анъаналари, юксак ривожланган бадиий ва қурилиш маданияти билан ва бошқа томондан, шаҳарсозлик усуллари, тураржой биноларининг ўзига хослигини, беагини келтириб чиқарадиган шакл тузилишига таъсир этувчи географик муҳитнинг табиий иқлим хусусиятлари туфайли юзага келган. Меъморий обидалардаги ўзига хосликнинг шаклланишига халқнинг турмуш ва эстетик тарзи ҳам таъсир кўрсатади.

Республикамиз минтақасида жойлашган замонавий қурилишлар каби тарихий мажмуаларнинг ҳам шаклланишини кўп жиҳатдан белгилаб берувчи бу иссиқ иқлимли шаҳарлардир. Масалан, шинам микроиқлимни юзага келтирувчи ёпиқ ҳовлилар атрофида жойлашган мадрасалардан ташкил топган Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Ўзбекистон тураржой меъморчилигида мураккаб табиий-иқлим шароитларида асрлар давомида юзага келган тажрибалар мужассамланган.

Ўзбекистон меъморий ёдгорликлари ўзига хос типологияга эга; айвонли турар жой биноларидан ташқари, саройлар, расталар-чорсу, тоқи, тимлар, карвон-сарой ва работлар, ҳаммомлар, расадхоналар, масжидлар, хонақоҳ ва мадрасалар сақланиб қолган.

Зиёратгоҳ биноларга масжидлар, миноралар, мадраса, хонақо ва мақбаралар киради. Бу биноларнинг ҳар қайси Европа меъморчилигида учрамайдиган ўз такрорланмас ҳажмий-фазовий ва меъморий-режавий тузилишига эга (26-илл.).

Қурилиш техникаси даражаси ва маҳаллий қурилиш материалларининг ўзига хослиги ҳам миллий анъаналарнинг характерларини аниқлашда катта роль ўйнайди.

Оммавий биноларнинг бундай турларини: тураржой бинолари, зиёратгоҳлар, жамоат ва муҳандислик иншоотларини қуришда аввалгидек, асрлар амалиётида текширилган иқтисодий самарали, етарлича мустаҳкам бўлган, жазирамада салкин берувчи, кишининг совуқларидан сақловчи хом ғишт, лой-синч, пахса (лойли) деворлар ва текис, лой-сомон сувоқли деворлар, устунли-тўсинла қурилмалар қўлланилган. Шарқ меъморчилиги ҳақида гапирар эканмиз, икки техник тизимни: текис (таянч, устунга эга бўлган) ва равоқли томларни ажратиб кўрсатиш лозим. Меъморчиликда, катта ҳажмдаги қурилишларнинг асосий хом ашёси бўлган пишиқ ғиштли такомиллашган конструкциялар ишлаб чиқилган. Юксак технологик сифатларга эга бўлган лаборатория текшируви шуни кўрсатадики, пишиқ ғишт юксак замонавий мустаҳкамлик меъёрларига жавоб беради.

Бундан ташқари, қурилиш ва халқ меъморчилигида, соз тупроқдан қўлда ясалган қурилиш материаллари (гувала), лой деворлар (пахса), хом ғишт қадимги қурилиш техникасини ташкил қилган материаллар қўлланилган. Соз тупроқ (лой, хок) бириктирувчи қоришма сифатида ҳам хизмат қилган.

Ўзбекистон ёдгорликлари-шаҳар бош режаларини ишлаб чиқиш энг аввало, маданият ёдгорликларига ғамхўрлик қилишдир. Тарихий шаҳар ядросини, марказий майдонларни сақлаш ва реконструкциялашда уч асосий муаммо ажратиб кўрсатилади:

- майдон композицияси асосий ғоясининг ўрни ва аҳамиятини сақлаш;
- турар жой майдонларини қайта тиклаш ва такомиллаштириш;
- кўча тармоғини шаҳар талабларига мослаштириш;

Ташкил топган шаҳар структуравий элементларини маъмурий ва жамоат биноларини ўз ичига олган маъмурий районлар, савдо корхоналари ва томошагоҳ жойлар, меъморий ёдгорликлар ва уларнинг қўриқхонаси шаҳар функционал зоналашуви асосини белгилаб беради.

Ёдгорликлар - шаҳарларни реконструкциялашда қатор шаҳарсозлик, меъморчилик, бадиий ва ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳал этилади. Тарихий шаҳарларни реконструкциялашда аниқ функционал зоналаштиришни таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади, кўриқхона зоналаридан транспорт олиб ташланади, чунки шаҳар транспортларининг меъморчилик ёдгорликларига таъсири ва уларни вайрон қилиши ҳаммага маълум. Шаҳарларнинг тарихан ташкил топган структураси ва уларнинг меъморий-бадиий қиёфасини сақлаш мақсадидаги ёдгорлик ва мажмуаларнинг фаолият кўрсатиши ва идрок қилиниши учун яхши шароитларни таъминлаши керак бўлган кўриқхоналар ташкил қилинади. Қайта тиклаш ва янгитдан яратилувчи қурилишлар муаммосини қўшган ҳолда тарихий-меъморий меросни сақлаш ва ундан фойдаланишни таъминлашга қаратилган шаҳарсозлик тадбирларининг тизимини яратиш талаб этилади.

2.4. Ёдгорликларни таъмирлаш, қайта тиклаш ва фойдаланишга мослаштириш лойиҳаларининг асосий йўналишлари

Таъмирлаш лойиҳасининг оддий лойиҳадан асосий фарқи шундаки, унинг негизини эркин ижод эмас, балки аниқ тадқиқ ташкил қилади. Шунинг учун ҳам бу лойиҳа илмий ҳарактерга эга.

Лойиҳанинг таркибий қисми — қабул қилинган ечимни асослашдир. Таъмирлаш лойиҳаси ҳажмий жиҳатдан оддий лойиҳадан катта бўлади. Таъмирлаш бошлангунга қадар аксари тўла ишланган лойиҳа қилиб бўлмайди.

Дастлаб таъмирлашнинг мусаввада (эскиз) лойиҳаси ишланади. Кейинги босқичда лойиҳа мукамалроқ бажарилади. Якка босқичли лойиҳа аввал таъмирланган, кичикроқ обидаларда ишлатилади. Мусаввада лойиҳасида таъмирлаш услубияти, кейинги қатламларга муносабат, қўшимчалар киритиш, бинодан янгича фойдаланиш билан боғлиқ

масалалар ҳал этилади. Лойиҳа таъмирлашдан олдин юрмайди, балки таъмирлашнинг ҳамроҳи бўлади. Таъмир ишланган лойиҳадан баъзан анча фарқланади. Шунинг учун ҳам учинчи босқич — ҳисобот зарурати туғилади. Унда ҳамма тадқиқ ва таъмир акс этади. Лойиҳа фармондори билан муҳокама қилинади. Бундай идоралар билан лойиҳалаш топшириғи ва янги мақсадга мувофиқлаштириш ҳам келишилади. Бу ишга илмий жамоатчилик ҳам тортилади.

Таъмирлашнинг мусаввада лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнида тадқиқот бўлимлари етарли даражада яхлит ҳолатни бермаганлиги сабабли мусаввада матнида икки нарса ёритилиши керак: 1 — обиданинг ҳозирги ҳолати, дастлабки ва кейинги қатламлари: 2—обиданинг қайси қисмларини илмий жиҳатдан тасдиқланиб таъмирлаш мумкинлиги. Обиданинг турли даврларга мансублигини кўрсатиш учун тарҳда, қирқимда, тарзда картограммалар берилади.

Имконият доирасида дастлабки ва кейинги ҳолатларнинг таъмир чизмалари берилади.

Кўп ҳолларда илмий жиҳатдан тасдиғи топилмаган қисмлар яхлитлик учун соддалаштирилган ҳолда бўлсада тикланади. Лойиҳада илмий тасдиқланган ва тасдиқланмаган қисмлари ажратилиши керак. Мусаввада лойиҳасида қабул қилинган ечимларнинг сабабларини исботлаб бериш керак. Бунинг учун обиданинг тарихий ва бадий аҳамияти, кейинги қатламларнинг қиймати, уларнинг қайсилари обидага бадиян салбий таъсир кўрсатиши баён этилади.

Лойиҳада таъмирдан сўнги ҳолатни кўрсатиш билан кифояланилмайди, балки бажариладиган ишлар ҳам кўрсатилади. Бу ишлар кўпроқ чизгилар қаторлари (штрихлар) ёрдамида кўрсатилади. Лойиҳада асосий ўлчамлар ва баландлик кўрсатилади, ундан ташқари чизикли масштаб кўрсатилиши шарт. Тикланадиган қисмларда эса улар батафсил кўрсатилади. Мусаввада лойиҳасида обидани мустаҳкамлаш чоралари ҳам кўрсатилади.

Кейинчалик уларга таяниб махсус муҳандисона мустаҳкамлаш лойиҳаси ишланади. Лойиҳага қуйидагилар илова қилинади:

- тарихий маълумот,
- меъморий - археологик ўлчовлар тўплами;
- археологик қазилма ва ковламалар ҳисоботи;
- муҳандисона хулоса (конструкцияси, бузилиш жараёнининг ўтиши ва унинг сабаблари);
- нақшлар ва деворий суратлар тўғрисидаги хулоса, намуналарнинг лаборатория анализи ва керак бўлганда бошқа материаллар.

Таъмир ҳажми мусаввада лойиҳасида тўла аниқлана олинмаслиги сабабли унда смета ҳужжатлари дастлабки смета -молиявий ҳисобот (сметно - финансовый расчёт) тариқасида ишлаб чиқилади. Мукамал смета эса кейин қилинади.

Таъмирлашнинг ишчи лойиҳаси обиданинг таъмирлаш давомида ўзгаришга учрамайдиган қисмлари учунгина қилинади. Таъмир жараёнида ишчи лойиҳа ҳам ўзгариши мумкин. Бу тўғрида чизмаларда махсус илова берилиши керак. Керакли жойларда иш бажарилиши учун координата системасида олинган махсус таянч нукталар танланади.

Янгидан қуриладиган қисмлар учун эса оддий лойиҳадаги чизмалар бажарилади ва муҳандислик ишланмалари қилинади. Тадқиқотдан фойдаланиб технологик тавсиялар берилади.

Лойиҳанинг қисмлари шундай ўзаро боғланган бўлиши керакки, таъмир ишлари обидага путур етказмасин. Бу таъмир ишини ташкил қилиш аҳамиятини оширади. Унда қуйидагилар алоҳида эътиборга лойиқдир, жумладан:

- ишнинг кетма - кетлиги;
- тадқиқни давом этиш зарурлиги;
- конструкцияларни вақтинчалик тутиб туриши;
- таъмирланмайдиган жойларни сақлаш.

Лойиҳанинг айрим қисмларини бошқа мутахассислар (конструкторлар, технологлар, рассомлар) бажариши мумкин. Лойиҳачи эса уларнинг ишларини ўзаро мувофиқлаштиради.

Мослаштириш лойиҳаси. Одатда таъмирлаш ва мослаштириш лойиҳалари бирга ишланади. Хоналарнинг янги функциялари белгиланади. Умумий режалаш иши бажарилади. Имконият доирасида тўсиқ девор, зина, хожатхона, ёрдамчи хоналарнинг ўринлари белгиланади. Янги дераза ёки эшик очиш таъқиқланади. Бунда биринчи навбатда обидани сақлаш мақсади устун туради. Дераза, эшик очиш обидага катта путур етказмасида, бунинг учун давлат идораларидан махсус рухсатнома олинади.

Тарихий обиданинг лойиҳасини мутахассис таъмиршунослар санъатшунослар билан келишган ҳолда бажаришади; асосан қуйидаги чизма ва ҳужжатлардан: бинонинг меъморий - режавий ечими (унда тарҳи, тарзи, ички кўриниши, қирқими, қурилмалари, технологик схемаси, жиҳозлари, безаклари, мебелировкаси, сунъий ёруғлантирилиш чизмалари кўрсатилган бўлади), ёдгорлик ҳудудини ободонлаштириш лойиҳаси (бош режа, муҳандислик тармоқлари ва жиҳозлари, мўъжаз меъморий шакллар, кўкаламзорлаштириш), смета - молия ҳисоблари ва бинони мослаштириш жараёнидаги ишларни ташкиллаштириш лойиҳасидан иборат бўлади.

Обидани фойдаланишга мослаштириш лойиҳасини бошлашдан олдин, одатда, қуйидаги ҳолатлар аниқланиб олинади. Биз юқорида меъморий ёдгорликларни амалда фойдаланишга мослаштириш таснифини келтирган эдик. Мазкур ёдгорлик ўша таснифнинг қайси гуруҳига кириши белгилаб олинади. Бу эса ушбу ёдгорликни қайси хизмат соҳасига мослаштиришни тўғри аниқлашга ёрдам беради. Сўнгра ёдгорлик ҳақидаги тарихий - меъморий маълумотлар етарлича аниқланмаган бўлса, обидани меъморий - археологик ўлчаш ишлари бажарилиб ёдгорлик ҳақидаги тарихий - меъморий "таржимаи ҳол" тузиб чиқиладиги, бу ўз навбатида обиданинг шаклланиш тарихи, дастлабки функцияси, унинг режавий - композициявий

ва конструктив хусусиятлари, шаклланишдаги бошланғич ва сўнги ўзгаришлар ва, ниҳоят, унинг бадиий моҳияти ва бошқа барча тегишли маълумотларни ўз ичига олади. Ушбу маълумотларни ҳамда янги хизмат турига бўлган ижтимоий заруриятни эътиборга олган ҳолда обида учун янги функция танланиб бўлингач, уни фойдаланишга мослаштириш лойиҳаси одатдаги таркибда, яъни:

- бош режа, худудни ободанлаштириш лойиҳаси;
- ёдгорликнинг меъморий—режавий ечими;
- бинонинг ички кўринишларига оид чизмалар тузилади.

Бош режа ва ёдгорлик худудини ободонлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқишда ушбу бинонинг ҳажм тузилиши (силуэти), ёдгорликнинг атроф муҳит билан алоқадорлиги, атроф муҳитдаги бинолар орасидаги масофа, ёдгорликни кўриқлаш ва томоша қилиш зоналарининг ўлчамлари эътиборга олинади, худудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, муҳандислик жиҳозларини ўрнатиш ва жойлаштириш, ёдгорликни кечки ёруғлаштириш масалалари ҳал қилинади.

Ёдгорликни янги функцияга мослаштиришнинг меъморий - режавий ечими, одатда, замонавий хизмат турларини ташкил қилишдаги ҳозирги қурилиш меъёрлари ва қоидаларини эътиборга олган ҳолда, олиб борилсада, асосий меъзон ёдгорликдаги мавжуд режавий ва конструктив тўзилишни сақлаб қолишга қаратилиши керак.

Ёдгорликдаги янги функцияга мослаштирилаётган хоналарнинг ички кўринишлари - интерьерларини ишлаб чиқиш алоҳида муҳим вазифа ҳисобланиб, бунда танланган услуб ёдгорликнинг тарихий ва бадиий жиҳатларда ўзида мужассамлаштириши лозим. Шу боисдан ёдгорлик хоналарининг ички кўринишларини лойиҳалаш қуйидаги услубларда олиб борилиши мақсадга мувофиқдир:

- а) айнан тарихийликни тиклаш, бу услуб ёдгорлик бунёд этилган даврга хос барча буюм ва ускуналар ёки уларнинг нусхаларини интерьерда қўллаш, жойлаштириш ва анъанавий жиҳозлаш тартибига амал

- қилишдан иборатдир. Бунда тегишли адабиёт билан танишишга, музейда ишлаш, архив манбаларига мурожат қилишга тўғри келади;
- б) кескин фарқ бериш (контраст) услуби, бунда ёдгорликдаги мавжуд интерьер шакллари ўрганиб чиқилиб, хона мебеллари ва жиҳозларини бутунлай бошқа тартибларда, қадимият ва янгилик орасидаги уйғунлик муносабатларини, янгилик шаклларини бўрттириш тартибидан келиб чиқилади;
- с) нозик фарқлаш (нюанс) ёки яқинлаштириш услуби, бу услуб ҳам ёдгорлик хоналари ва уларнинг композициявий тузилишини ўрганиш, ёдгорликдаги мавжуд илғор анъаналарни ривожлантиришга асосланади, ушбу анъаналарни талқин қилиш, мебел ва хона жиҳозларини анъанавий шаклларда, янги функцияларга мос тартибда қўллашдан иборат.

Ҳар бир меъморий обида ўзига хос қайтарилмас шаклларда ишланган. Шунинг учун ҳам ёдгорликларнинг интерьерларини ишлашда маълум бир қолип—шаблонга буйсуниш мумкин эмас. Чунки хоналарни ҳар сафар муайян функцияларга мослаштириш талаб қилинадик, барча ишлар шу функция мазмунидан келиб чиқилади. Шу боисдан муайян бир ёдгорликни маълум бир хизмат соҳасига мослаштирилар экан, демак бу муҳим ишга муайян, хусусий ёндошув талаб қилинади.

Мослаштириш лойиҳасида умумий режадан ташқари хоналарни жиҳозлаш, шаффоф тўсиқлар ўрнатиш каби масалалар ҳам кўрилади. Конструктив муаммолар ҳал этилади. Масалан, аввал юк оғирлиги тушмаган жойларга янги вазиятда юк тушиши муаммоси. Ёнғинга қарши тадбирлар белгиланади. Обиданинг муҳандислик - техникавий жиҳозлари обидани янги мақсадларда фойдаланишни кўзда тутибгина қолмай, шу билан бирга уни сақлайди ҳам.

Муҳандислик тармоғини лойиҳалашда кўп ўзига хосликлар мавжуд. Шунга кўра бу ишда таъмирчи - меъмор иштироки шартдир.

Таъмирлаш лойиҳасини амалга ошириш.

Таъмир жараёнининг хусусиятлари, унинг тийнатида келиб чиқади. Таъмир обидани очиб тиклашдир: баъзан таъмирлаш тўхтатилиб обида янгитдан тадқиқ қилинади. Янги очилган маълумотлар таъмир лойиҳасини қайтадан ишлашга мажбур қилиши мумкин. Иш қимматлашади ва секинлашади. Нақш ёки сурат очилса, уларни сақлаш учун махсус тадбирлар кўриш зарурати туғилади.

Таъмирлаш асосан қўлда бажарилиши лозим. Унга камёб ҳунарманд - мутахассислар жалб қилинади: масалан, ёғоч ўймакорларни, наққошларни ва х.к. Таъмирлашда қўлланадиган ашёлар асосан қуйидаги тўрт гуруҳга киради:

1 – гуруҳ - қўлланилган ёки унга яқин ашёлар - тош, ғишт, сополлар ва х.к. Тош аввал олинган жойидан олинishi маъқул. Махсус буюртма билан ғишт тайёрланиши мумкин. Ашёларнинг кейин ҳам сақланишини ўйлаш керак.

2 – гуруҳ - махсус таъмирлаш учун таёрланган замонавий материаллар лойиҳачининг мақсадига кўра кўринишидан аввалги ашёдан кескин ёки сал фарқланиши ёки мутлақо фарқланмаслиги мумкин. Ғишт тушиб кетган жойда ўрнини махсус қоричма билан тўлдириш имконияти бор.

3 – гуруҳ - янги, кўпроқ консервация учун сақлашда фойдаланиладиган ашёлар. Улар структуравий мустаҳкамлаш, биологик жиҳатдан зарарсизлантириш учун ишлатилади. Шаффоф ашёлар буғни чиқаради, сув киргизмайди лекин чидамсиз. Уларни тез - тез янгилаб туриш зарур.

4 – гуруҳ - кўринмайдиган жойларда ишлатиши мумкин бўлган замонавий ашёлар.

Бу гуруҳлардаги ашёлар аввалги ашёлардан физикавий хоссалари билан кескин фарқланмаслиги керак. Хоссалари кескин фарқланса, таъмир учун ноҳуш оқибатлар пайдо бўлади.

Обида тевараги бетон ёки асфальт билан фаршланмаслиги маъқул, чунки уларнинг тагида нам йиғилиб, у обида деворларига чиқа бошлайди.

Шўр - ҳок ҳам пайдо бўлади. Тош ёки ғишти қум устига ётқизиб фаршланганлиги маъқул.

Ғиштларни тозалашда қум билан тозалаш усулини қўлламаслик керак. Ғишт пиширилганда ва ўзоқ муддат ҳавода бўлганда сиртида зич қобик ҳосил қилади. Таъмир ишларининг хусусиятларига кўра иш ҳақи ва муддати каби мезонлар (меъёрлар) бошқачароқ олинади.

Таъмирлашда лойихачининг вазифалари янги иншоат лойихачисиникидан анча фарқ қилади. Унинг асосий вазифаси - назорат эмас, балки таъмирга илмий - техник раҳбарлик қилишдир.

Таъмирчи лойихачи ўз кўрсатмаларини маҳсус дафтарга ёзиб боради. Усталар бажарилганлигини ҳам қайд этадилар. Дафтарда расм ёки схема кабилар ҳам чизилиши мумкин. Таъмирлаш жараёнини ўзида акс эттирган дафтар кейин давлат архивига топширилади. Лойихачи зарур бўлган тақдирда ўзга мутахассисларни археолог, конструктор, расом ва бошқаларни ишга чақиради.

Зарур ҳолларда ишни тўхтатиб қўйиши мумкин. Лойихачи обидани таъмирлагандан кейин комиссияга топширилишда қатнашиши лозим. Таъмирлашнинг ҳисоботи ишнинг сўнги босқичи ҳисобланади. Ҳисоботда обиданинг қисқача таърифи, тадқиқий ишлар баёни берилади. Айниқса таъмир вақтида топилиб, лойихада кераклигича акс этмаган далиллар тўла кўрсатилади. Кейинги қатламлардан халос бўлиниши, тикланган жойлар, улар учун далиллар келтирилади, киритилган ўзгаришларга катта эътибор берилади. Таъмир ҳажми жуда катта бўлганда ижроия чизмалар берилади. Уларнинг мақсади иккита:

1) улар таъмирдан кейинги ҳолатни кўрсатади, яъни ўлчов ёки лойиха чизмаларидан фарқланади, улар ҳам ўлчов чизмалари бажарган вазифани бажаради, яъни кейинги ишларга асос сифатида фойдаланилади;

2) таъмир жараёнини кузатиш имконини беради. Ижро чизмалар қилинган ишларнинг картограммаси вазифасини бажаради.

Таъмир лойиҳаси муҳокама қилинган мажлис баённомалари ҳам ҳисоботга кўшилади. Таъмирлаш ташкилотига ва муҳофаза идорасига ҳисоботлар топширилади. Ҳисоботнинг асосий мазмуни матбуотда ёритилади.

2.6. Архитектура таълими жараёнида меъморий ёдгорликларини фойдаланишга мослаштириш бўйича лойиҳалар бажариш

Қуйида биз архитектура таълими жараёнида меъморий обидаларни таъмирлаш, уларни замонавий мақсадларда фойдаланишга мослаштириш ва муҳитини ободонлаштириш бўйича бажарилган лойиҳаларга тўхталиб ўтамиз.

Хива шаҳридаги Матниёз Девон Беги мадрасаси. Бу обида 220 ўринли; ресторан ва 30 ўринли банкет залига мослаштирилган. Обиданинг бундай хизматга мослаштирилиши унинг типологик ва режавий хусусиятларидан келиб чиқиб, шаҳарнинг ушбу қисмида умумий овқатланиш ва турли миллий тадбирлар ўтказиш жойига зарурият туғилганлигидадир. Тамомила миллий меъморчилик услубида қурилган мадраса биносида ўтказиладиган тўй-тантаналари янада кўтаринки руҳда ўтиши учун бу ерда ўзига хос меросий миллий муҳит яратилган. Мадраса ҳовлиси жимжимадор пўлат энгил қурилмалар ёрдамида ёпилиб савдо залига айлантирилган. Хужраларда эса ошхона хоналари жойлаштирилган. Хоналарга сув кетмаслиги учун бинога мўжазгина қўшимча қурилиш ишланиб, унда ошхонанинг идиш -товоқларини ювиш хонаси жойлаштирилган. Бундан асосий мақсад ёдгорликнинг меъморий - бадиий кўринишини ва конструкцияларини ўзгартмасдан сақлаб қолишдир. Ресторанга кириш хоналари гуруҳи (вестибюл) мадрасага кириш қисмида жойлашган. Қўшимча қурилишнинг ташқи девори мадрасанинг ғиштин деворларига уйғун кўринишда ишланган. Қўшимча иморат олдида ғарб томондан ҳовуз ишланиб, ёзги овқатланиш жойлари қўшилган. Савдо залининг деворлари

ўз ҳолича қолдирилган. Бадиий безак унсурлари - чеканкага ишланган ва куйма ойнадан ишланган панжаралар залнинг ички кўринишига тантанаворлик баҳшида этади.

Хивадаги Муҳаммад Аминхон мадрасаси. Мазкур бино 230 ўринли меҳмонхонага мослаштирилган. Ушбу бино ҳам аввалгиси каби XIX аср ёдгорлиги ҳисобланиб, уни сақлаш ва мослаштириш лойиҳаси юқорида баён этилган тартиботга мос келади: бинонинг бошланғич меъморий кўриниши сақлаб қолдирилган ва мўъжаз меъморий шакллар киритилиб қисман таъмирлаш ишлари бажарилган.

Иккинчи қаватда хоналарга ўтиш галереяси тусиндиғининг бузилган қисмлари қайта тикланган, бинонинг асосий кўринишига қараган барча эшик ва деразалар қиммат-баҳо ёғочдан ишланган, қолганлари эса йиғма ёғоч панжарадан бажарилган. Асосий киришдаги ўймакор бош эшик таъмирланган, ундаги куйма кумуш занжирга ўйиб гул ишланган. Ёдгорлик курсисига силликланган қора гранит билан пардоз берилган.

Меҳмонхонанинг ички тузилиши мадрасанинг режавий ечимига тамоман бўйсундирилган бўлсада, меҳмонхона хоналарида замонавий кўлай шароитлар яратилган. Ҳар бир ётоқхона ўзининг айвонига эга бўлиб, ундан Хива шаҳрининг гўзал меъморий қиёфаси кўриниб туради.

Меҳмонхона ичидаги овқатланиш зали ҳам тамоман миллий тарзда ишланган бўлиб, ундаги супа ва пастқам ўриндиқлар ҳар бир ўзбек оиласининг зарур ускунаси - қадимий сандални эслатади.

Хоналарнинг ички кўриниши ва жиҳозлари халқимизнинг миллий анъана ва турмуш тамойилига тамоман мос келади. Қадимий обидаларни замон талабларига мослаштириб лойиҳалашда бу масала ишнинг салмоқли қисмини ташкил килади. Шунинг учун ҳам меҳмонхона ички кўринишини пардозлаш, хоналарни жиҳозлаш, мебелларга зеб беришда кўпроқ анъанавий услубдаги қурилма ва безаклардан: ёғоч ва ганч ўймакорлиги, металлга зарб бериш, панжара, наққошлик, кандакорлик каби қадимдан қўлланиб келинаётган миллий услублардан фойдаланилган. Хоналар

табий равишда шамоллатилади, мавжуд қалин деворлар эса ёзин - қишин хоналарда қўлай микроиклим яратишга мослаштирилган.

Мадраса ҳовлисида 50 ўринлик ёзги чойхона ташкил этилган. Чойхона устини манзаравий альпинария саркосаси ёпиб туради. Ушбу гўзал альпинария ҳовли композициясини янада жонлантириб юборган, ҳовлига чиққан меҳмонхона номерларида соз микроиклим яратилган. Чойхона ички кўриниши миллий услубдаги ўйма нақшли қандил, шамдон, кўза ва тавоқлар билан безатилган.

Хивадаги Олло - Қулихон карвон - саройи. Мазкур XIX аср ёдгорлиги нисбатан яхши сақланган бўлиб, у ҳажмий - режавий, меъморий, бадий ечими кўриқхонада тутган ўрни ҳамда бозор майдони билан қўшни жойлашганлиги билан ажралиб туради.

Карвон - сарой биноси икки қават, режаси тўғри тўртбурчак. Ҳовлиснинг ўлчамлари 42 х 46 м. Ҳовли атрофида ҳар иккала қаватлар бўйлаб хужралар жойлашган. Пастки қаватдаги хужраларда турли моллар сақланган, юқорисидагиларда эса савдогарлар меҳмон бўлишган.

Ёдгорликни савдо ярмаркасига мослаштириш лойиҳасида ҳам биринчи қават хужралари саноат молларини сақлаш, маъмурий хоналарга, хоналарнинг бир қисмини савдо залларига, иккинчи қават хоналарини эса асосан савдо залларига айлантириш кўзда тутилган. Яқшанба - бозор кунлари карвон - сарой ҳовлиси саҳнида савдо ярмаркаси ташкил этилиши учун қўлай шароит яратилган. Бунинг учун ҳовли усти жимжимадор баланд металл устунларда кўтарилиб турувчи трубалардан ишланган фазовий енгил панжара конструкцияли ёпма ёрдамида ёпилган. Бу ёпма, ҳовли устига ўрнатилган ўзига хос соябонни эслатиб, ёдгорлик тоmidан бироз кўтарилган ва ҳовли периметри бўйлаб деразалар орқали унинг меъморий композициясига қўшилиб кетган. Харидорларнинг иккинчи қават саҳнига чиқишлари учун ҳовлининг ён деворларига яқин жойларда қўшимча зинапоялар ишланган. Микроиклимни яхшилаш мақсадида ҳовли марказига кўп қиррали нақшиндор фаввора ўрнатилиб, унинг атрофида

ҳаридорларнинг дам олиши учун ўриндиқлар жойлаштирилган. Карвон - сарой ҳужралари ёзин - қишин савдо залларига айлантирилиб, якшанба - бозор кунлари ҳовли майдонида савдо ярмаркасининг ишлаши кўзда тутилган. Шундай қилиб, Олло - Қулихон карвон - саройи Хива шаҳрининг энг муҳим ва кўркам савдо марказларидан бирига айлантирилган. Бу эса мозий ёдгорлигини сақлаб қолиш ва ҳаётлигини таъминлашнинг энг қўлай амалий йўлларида биридир.

Самарқанд шаҳридаги Нодир Девон - Беги мадрасаси Лойиҳага кўра ушбу ёдгорликда халқ касбкорларининг устахоналарини жойлаштириш кўзда тутилган. Ёдгорлик ўзининг меъморий ечими ва тузилиши жиҳатидан мазкур хизмат турига мос келади.

Мадраса биносига кираверишдаги хоналар вестибюль ва маъмурий ходимлар учун ажратилган, шимолий гуруҳдаги ҳужраларда заргарлик, мис ва жез кандакорлиги устахоналари, жанубий гуруҳдаги эса сўзана, қалпоқ ва гилам тўқиш бадийи устахоналари, ҳамда носкадилар тайёрлаш, тайёр маҳсулотларни сақлаш учун хоналар жойлаштирилган.

Мадрасининг ғарбий қисмидаги хоналарда кўргазма зал (музей), эсдалик сотувига салон - магазин ва жамоа хоналари жойлашган. Мадрасининг режавий тузилиши бундай хизмат турларини ташкиллаштиришга ҳамда шаҳарга келиб - кетувчи сайёҳлар тамошаси ва уларнинг совғалар ҳарид қилиши учун қулай шароит яратишга имкон туғдиради.

Мадрасани халқ касбкорларининг ижодий масканига айлантиришда бионинг ички ва ташқи кўринишига, режавий тўзилишига путур етказилмаслик, аксинча уни сақлаб қолиш мадрасага янги ҳаёт бахш этиб, халқ эҳтиёжига топшириш мақсад қилиб қўйилган. Шу мақсадда ҳужраларнинг ички тузилишидаги токча ва супалардан, деразалардаги панжалардан тўлиғича фойдаланиш кўзда тутилган. Мадраса ортига гиштан тикланган қўшимча иморатда хўжалик хоналари, ҳовлиси ва

хожатхоналар жойлаштирилган бўлиб, мазкур иморат обиданинг бадиий моҳиятига салбий таъсир кўрсатмайди.

Мадраса ҳовлиси обдон ободонлаштирилиб, унда усталарнинг дам олишига мўлжалланган айвон ишланган. Айвонни нақшинкор ёғоч суфалар, ўймакор устунлар, васса билан ёпилган тусинлар бегаб туради. Ҳовлини ободонлаштиришда квадрат пишиқ ғиштдан ётқизилган йўлак тўшамалар, йўлаклар атрофига ишланган данданалар, ўриндик ва гулдонлардан фойдаланиш кўзда тутилган.

Меъморий ёдгорликларимизни сақлаб қолиш ва уларнинг умрбоқийлигини оширишнинг самарали ва тежамли йўлларида бири, бу юқорида таъкидлаганимиздек, уларни амалий мақсадларда фойдаланишга мослаштиришдир.

Айрим ёдгорликларни қайта тиклаб, уларнинг ўзларининг дастлабки хизматларини жорий этмоқ зарур. Масалан, қадимий савдо расталари— тоқлар, шунингдек ҳаммомлар, маҳалла, гузар масжидларидан бугун ҳам илгаридек фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Бухородаги қадимги шаҳар, Хивадаги Ичан - қалъа, Кўхна - Ургенчдаги ноёб тарихий обидалар Ўрта Осиё меъмортичилигининг мовий осмон остидаги очиқ меъморий музейлари сифатида сақланиб келмоқда. Ушбу меъморий мажмуалар таркибидаги кўпгина обидалар замонавий мақсадларда фойдаланилмоқда. Мисол учун Бухоро Арки шаҳар ўтмишига бағишланган кўргазма заллар мажмуасига айлантирилган, савдо гумбазлари, ҳаммомлар ўз вазифаларини сақлаб қолган. Айрим икки қаватли мадрасалар сайёҳлар учун меҳмонхоналарга, бир қаватлилари умумий овқатланиш объектлари: ёзги чойхоналар, қахвахона, ошхоналарга айлантирилган.

Бухородаги Боғ - сарой ва шарқ боғ - истироҳатийлик санътининг намунаси бўлмиш Ситораи - Мохи Хоса мажмуаси борлигича сақланиб қолиниб, ҳозирда ҳалқ хизматида топширилган: у санатория ва музей сифатида фойдаланилмоқда.

Исмоил Самоний мақбараси ва Чашма - Аюб шу ҳудудда жойлашган истироҳат боғи режаси билан чамбарчас боғланиб кетиб, боғнинг тамоша объектларига айлантирилган. Бизгача яхши сақланмаган, кўп талафот кўрган тарихий ёдгорликларни эса бундан кейин ҳам бузилиб кетишига йўл қўймаслик, борлигича сақлаб қолиш учун барча чораларни кўрмоқ лозим. Бундай обидаларнинг тарихни ўрганмоққа яроқлилигини таъминлайдиган муҳандислик - техник тадбирлар ишлаб чиқилиши лозим.

Самарқанддаги Ишратхона ёдгорлиги қадимда Дилкушо истироҳат боғининг боғ - саройи ҳисобланиб, унинг гир атрофидаги чорбоғ, жимжимадор яшил чаманзорлар, соябоп хиёбонлар, ҳовуз ва гулзорлар Ишратхона хуснига хусн қўшиб турган. Ҳозирги пайтда ёдгорлик атрофидаги ҳудудда тартибсиз қурилган турар - жой бинолари уни чор атрофдан сиқиб қўйиб, обиданинг кўриқлаш зонасига путр етказган, ёдгорликнинг ўзи эса кўп талафот кўрган. Ёдгорликнинг умрбоқийлигини ошириш мақсадида тегишли муҳандислик - техник чораларни кўриш, обидани таъмирлаш ва ундан фойдаланиш йўлларини ахтариш лозим. Ишратхона атрофидаги майдон кенгайтирилиб, ушбу ҳудудда қадимги шарқона услубдаги истироҳат боғининг ҳеч йўқса бир қисмини: чорчаман ва хиёбон бунёд этмоқ, обида майдонида эса музей, маҳалла қўмитаси, жамоат маркази ёки бошқа хизматларни ташкил этишни ўйлаб кўриш лозим.

МУСТАҚИЛ ИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Талабаларнинг мустақил иши шаклан талабалар ўқув илмий ишларининг бир тури ҳисобланади. Мустақил ишнинг мақсади - ўтилган материални мустаҳкамлаш. талабаларда аналитик фикрлашни ривожлантириш, графикани такомиллаштиришдир.

Мазкур фандан бажариладиган мустақил иш меъморий ёдгорликларнинг архитектуравий таҳлилидан иборат. У чизма, схема ва жадвал шаклида, қоғозда бажарилади. Таҳлил мавзуси меъморий ёдгорликларни таҳлил қилиш, чуқурроқ ўрганиш, уларнинг муҳофаза зоналарини аниқлаш, ёдгорликни сақлаш, мослаштириш ва улардан замонавий мақсадларда фойдаланиш, уларнинг функционал ва ривожланиш эволюциясини ўрганиш каби масалаларни қамраб олиши мумкин. Таҳлил монографик, яъни якка олинган мавзунини чуқурроқ ёритишдан иборат бўлиши керак.

Мустақил ишнинг мавзусини ўқитувчи-раҳбар талабанинг майл-имкониятларига қараб таклиф қилади. Одатда кўпчилик мавзу мазмунини жиҳатидан кенг бўлиб, бир неча масалалар (мавзучалар) йиғиндисидан иборат бўлади. Талаба дарслик, ўқув қўлланма ёки фанга доир махсус адабиётлар, интернетдан ва бошқа манбалардан дастлабки маълумотларни олгач, мустақил иш мавзусини конкретлаштирилади. Таклиф этилган умумий мавзудан талаба уни кўпроқ қизиқтирган томонини (жиҳатини) ҳал этиш учун ажратиб олади. Айни вақтда бажариладиган ишнинг ҳажми ҳамда талабанинг имконияти назарда тутилиши керак. Агар талаба мавзунини ўзи таклиф этса, яна ҳам яхши бўлади. Ундай вазифаларда ўқитувчининг розилиғи олинади, керакли ҳолларда таклифга коррективка (тузатиш) ҳам киритилиши мумкин.

Мустақил иш ҳар қандай илмий иш каби уч бўғиндан - материал тўплаш, тўпланган материални таҳлил қилиш ва хулоса чиқаришдан иборат. Мавзу аниқлангач, ишнинг материал тўплаш босқичи бошланади. Мавзуга

тегишли ҳамма материал синчковлик билан ўрганилади, керакли чизмалар хитой (шаффоф) қоғозига кўчирилади, фотосуратлар, расмлар йиғилади, ишнинг кейинги, таҳлил босқичига керакли ҳамма материал йиғилади.

Йиғилган материал синчковлик билан таҳлил қилинади. Таҳлил натижаси чизмалар орқали ифодаланади. Чизмалар учун қуйидаги масштаблардан фойдаланилади: 1:100. Чизмаларни керакли масштабга келтириш учун «бурчакли масштаб», «катакларга олиш» (бош тархлар учун) усулларида ёки калькулятор, компьютер воситаларидан фойдаланиш мумкин. Чизмалар таҳлил учун жадвал қаторига киритилган бўлса, улар учун ягона масштабдан фойдалангани маъқул. Қаторнинг биринчи хили типологик қатор (масалан: турар уйларнинг типлари) бўлиб, иккинчи хили таҳлил этилаётган объект эволюциясини равшан ифодалаш зарур. Чизмалар стандарт, 210x297 мм ўлчамли форматда қаррали (2,3,4,5,6 ва улардан катта) варақда бажарилиши лозим. Расмлар чизиқли бўлгани яхши. Агар ишнинг хулосасини ифодалаш зарур бўлса, оқ-қора ёки рангли буёқдан фойдаланилади. Айрим ҳолларда штриховка қўлланиши мумкин. Эволюцион ва типологик қаторлар жадвал кўринишига келтирилади. Бундай жадваллар Бирон қонуниятига кўра умумийликларни ёки тафовутларни ифода этиши керак. Жадвал аксари 4-5 мураккаб чизмадан ёки 10-12 та ва хатто ундан ҳам кўп соддароқ чизмалардан иборат бўлиши мумкин.

Иш мазмуни картотека тузилишини талаб этса, чизмаларни 1-стандарт форматдаги қоғознинг ярми ёки чораги ўлчамидаги (201x148 мм) қоғозга чизиш тавсия этилади. Ишнинг хулосалари шартли чизиқлар: композицион ўқ, пунктир, йўғон чизиқ, штриховка ва ранг ёрдамида ифодаланади. Ишга жуда зарур ҳолларда қисқа матн - аннотация киритиш рухсат этилади. Лекин шуни назарда тутиш жоизки, талаба хулосани (ўз фикрини) чизма орқали ифода этишга ўрганиши зарур. Чизмаларнинг ёзувлари мазмуни. ёдгорлик номи, унинг жойи, қурилган вақти ва шунга ўхшаш бошқа зарур маълумотларни бериши лозим. Алоҳида фойдаланилган манба (китоб, карта,

чизма) кўрсатилади. Ишни бажаришда Тошкент Архитектура - қурилиш институтининг, шу институт Архитектура факультета кутубхоналаридан, Навоий номидаги Миллий кутубхонадан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги қошидаги Ёдгорликларни сақлаш Бош бошқармасининг архивидан ёки унинг вилоятлардаги филиаллари материалларидан фойдаланиш тавсия этилади.

ТЕРМИНЛАР ЛУҒАТИ

- Айвон** - ярим очик терраса; халқ меъморчилигида - соябон, устунлар
устидаги тўсин қопламали терраса; маҳобатли меъморчиликда
пештоқ
- Балхи** - квадрат ёки тўғри тўртбурчак хона устига равоқларни
бурчаклардан марказга йўналтириш орқали бунёд этилган гумбаз
- Васса** - қоплама тўсинлари устига қўйилган ёғоч рейкалардан иборат
осма шифт
- Ганч** - алебастрнинг маҳаллий тури
- Гирих** - геометрик орнамент
- Кошин** - ислом меъморчилиги беагида ишлатиладиган шишасимон
сирланган материал
- Гузар масжидлари** - гузар аҳолисига мўлжалланган ибодат учун хона
- Гўрхона** - дахма, мақбара
- Гулдаста** - мадрасанинг кичик бурчак минораси
- Дандана** - ғишт тахлами (кўндаланг терилган ғиштлар қатори)
- Дарвозахона** - дарвоза, кириш
- Дахма** - зороастризм даврининг қабр усти иншооти
- Дишан Қалъа** - Хивадаги ташқи шаҳар
- Жамоатхона** - хонақоҳда умумий йиғилиш учун хона
- Занжара** - турли учбурчаклардан иборат ўйма рельефли безак қатори
- Зиёратхона** - мақбара ёнидаги хотирлаш маросимларини ўтказиш учун хона
- Имом хатиб** - масжидларда ҳар кунги ва байрам-хайит намозларини
бошқарувчи ислом руҳонийлигидаги киши
- Ичан Қалъа** - Хивадаги ички шаҳар
- Ичкари** - ички ҳовли (ёки хона)
- Қозонлик** - кухня
- Карвонсарой** - карвонларнинг тўхташ жойи, работ, қўнаржой,
савдогарлар қўрғони

Китоба - бинолар безагидаги ёзувли намоён, пештоқнинг юқори қисмидаги эпиграфик орнамент

Китобхона - кутубхона

Куня Арк - Хивадаги эски қалъа

Қурбон фитр - мусулмонларнинг йиллик байрамлари

Куфий - чизикларнинг текис, сирқарралиги билан ажралиб турувчи араб ёзувининг қадимги имлоси

Лаган - чеканка қилинган патнис

Мақбара - зиёрат иншооти; улуғ кишиларнинг қабри устига қурилган махсус бино

Маҳалла - шаҳарнинг турар жой квартали

Мадраса - диний олий ўқув юрти

Масжид - ибодатгоҳ, мусулмонлар жамоа бўлиб намоз ўқийдиган жой

Минора - мусулмонларни намозга чақириш учун жой, махсус бино

Меҳроб - масжид ичида унинг қибла томонидаги девори ичига ишланган равоқ шакли жой, саждагоҳ; Ўрта Осиёда меҳроб ғарбий ёки жануби-ғарбий деворда, Хоразмда жанубий деворда ишланади.

Намозгоҳ - Рамазон ва Қурбон хайитларида байрам намозлари ўқилиши учун мўлжалланган шаҳар ташқарисидаги масжид

Некрополь - мақбара иншоотлари мемориал мажмуалари комплекси

Панжара - ёғоч, ганч, тошдан ишланган нақшинкор панжара

Пештоқ - мадраса, масжид каби ҳашаматли биноларнинг кириш қисмидаги усти баланд кўтарилган равоқли серҳашам қисми

Рабод - ўрта аср шаҳар атрофи (шахристон)

Сағана - қабр устидаги қурилма

Сандал - танча, ўтхона устига қўйиладиган махсус ёғоч қурилма

Суфа - ер сатҳидан бироз кўтарилган дам олиш жойи

Тоқ - равоқ, равоқ-гумбазли савдо пассажи

Тим - усти ёпиқ бозор, конструкция ва шакли турлича

Тимпан - эшик ёки дераза тепасидаги чуқурлаштирилган жой

Халимхона - диний маросимлар овқати- халим тайёрланадиган хона

Ховуз - шаҳарнинг сунъий очик сув ҳавзаси; ҳовузларнинг шакли ва ўлчамлари турлича бўлган

Хазира - атрофи ободонлаштирилган қабристон (хилхона)

Хонақоҳ - дарвишлар жамоаси маркази; дарбадар дарвишлар ва зиёратчилар манзили; исломда олий диний мукаммаллашув жойи

Хужра - мадрасаларда талабалар яшайдиган жой

Чиллахона - қирқ кунлик таркидунёчилик учун жой

Шахристон - ўрта аср ислом шаҳрининг асосий, мустаҳкам жойи

«Архитектура ёдгорликларидан замонавий мақсадларда фойдаланиш усуллари» фанидан талабалар билимини аниқлашга доир саволлар ва уларни баҳолаш учун ажратилган баллари

т.р.	Саволлар	Балл	Саволга доир мисоллар
1.	Архитектура ёдгорликларини сақлаш бўйича қандай қонун ва қарорларни биласиз?	2	“Маданий ёдгорликларни сақлаш ва фойдаланиш” тўғрисида Ўзб. Р. қонуни. 30.08.2001й., “Шаҳарсозлик кодекси”, Ўзб.Р. қонуни асосида 04.04.2002й. тасдиқланган., “ О мерах по дальнейшему совершенствованию охраны и использования объектов культурного наследия” тўғрисидаги Ўзб.Р. Вазирлар маҳкамасининг 269-сонли қарори.
2.	Тарихий мажмуаларнинг ўзига хослиги деганда нимани тушунасиз?	2	Арк, қалъа, шаҳристон ва рабодларнинг шаклланиши. Шаҳар деворлари, боғлари, кўчаларининг ҳозирги қиёфаси, шакллари ва ҳолати. Мажмуалар ва майдонларни ташкиллаштиришда композицион усуллар.
3.	Тарихий ва маданий ёдгорликларнинг турлари қандай бўлиши мумкин?	2	Саройлар, маъмурий бинолар, хонақоҳ минора, масжид, мадраса ва савдо бинолари. Археология топилмалари, деворий расмлар, қалъалар, тепаликлар ва бошқалар.
4.	Архитектура ёдгорликларини янги вазифага мослаштириш қандай амалга оширилади?	2	Архитектура ёдгорликларининг турларига қараб мавзу танланади. Янги мавзуга мослаштириб таъмирлаш лойихаси ишлаб чиқилади. Архитектуравий лойиҳа ечими бажарилади. Ёдгорлик атрофини ободонлаштириш ва кичик архитектура шакллари жойлаштириш лойиҳаси бажарилади.
5.	Ёдгорликларни янги вазифага мослаштириш учун нималарга эътибор бериш лозим?	2	Иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигига. Нафосат нуқтаи жиҳатидан мувофиқлигига. Ёдгорликнинг ашёвий далилигига. Мухандислик тармоқларига. Ёдгорликнинг тури(типологиясига эътибор берилади.
6.	Архитектура ёдгорликларини янги вазифага мослаштириш лойиҳавий ечимидан қандай амаллар	2	Қурилмаси(конструкцияси). Технологияга доир шартли чизмаси. Ички кўринишининг пардозлаш чизмаси. Жихозлар, ускуналар. Мухандислик ишлари. Молиявий ҳисоб китоб хом чўтиги.

- базарилади?
Ёдгорликлар
атрофини
7. ободонлаштириш
лойихасида қандай 2
ишлар амалга
оширилади?
Замонавий шаҳар-
созликда ёдгорлик-
ларнинг янги
8. вазифа-ларида 2
нималарга эътибор
бериш керак?
Замонавий шаҳарсоз-
ликда ансамбллари-
нинг янги вазифала-
рида нималарга 2
эътибор бериш керак?
Ёдгорликлардан
фойдаланиш
10. лойихасида 2
интерьер(ички кўри-
ниш)и учун
нималарга эътибор
бериш лозим?
- Архитектура
11. ёдгор-ликларидан 2
фойдаланиш учун
нималарга эътибор
бериш керак?
Чет эл ва
Европада
12. ёдгорликлардан фой- 2
даланишда
нималарга эътибор
беришган?
Суздаль
тажрибасида
13. тарихий меъморий 2
ёдгорликлар
мажмуасини
сақлашда асосан
нималарга эътибор
беришган?
- Бош режа(тарх). Кичик архитектура шакллари.
Кўкаламзорлаштириш. Мухандислик ишлари.
Мухандислик тармоқлари. Молиявий ҳисоб
китоблар хомчўти.
- Архитектура ёдгорликларининг атроф муҳитига.
Атрофдаги қурилишларнинг кўринишига. Бошқа
қурилишлар билан орасидаги масофага.
Транспортга. Ободонлаштириш ва
кўкаламзорлаштиришга.
- Шаҳар атроф муҳитига. Ансамблнинг тузилишига
(композициясига). Ансамблнинг
шакли(силуэти)га. Ҳиссий муҳитга. Муҳофаза
майдонига.
- Дастлабки ички кўринишини тиклашга. Эски
меъморчилик билан замонавий жиҳозлар
ўртасидаги фарқни сақлашга. Маълум давр
архитектура шакллари, жиҳозлари ўртасидаги
фарқни сақлашга.
- Вазифасига. Шакли(бадий тимсоли)га. Бор
ҳолатида сақлаш(консервация)га. Музей
кўргазмасига. Томоша манбаига. Тиклаш
(таъмирлаш)га. Диний иншоотлардан фойда-
ланишга. Дастлабки вазифаси ва бадий
тимсолини сақлаш ва ривожлантиришга.
- Музейлар, экспонатлар, маданий ва туризм
мақсадларида фойдаланишга ва
музейлаштиришга. Фойдаланишнинг режавий
ечимларига. Ички ва ташқи кўриниш ечимларига.
- Сайёҳлик марказини яратишга. Иқтисодий базани
яратишда ташкил қилувчи омилларга. Тарихий
ядронинг шаклланиш қонуниятларига. Тарихий
шаҳар марказ мажмуасида ёдгорликларнинг
вазифаси ва уларнинг аҳамиятига. Шаҳар муҳити
ривож ва морфологик кўринишларига.

- 14
• Ёдгорликларни келажак авлод учун сақлаш-нинг асосий вазифалари нимадан иборат? 2
Тарихий ёдгорликларни таъмирлаш тари-хи ва замонавий концепцияларни шакллантириш деганда нимани тушунасиз? 2
Замонавий мақсадлар-да мослаштиришда амалий ишлар нималардан иборат? 2
Ёдгорликларининг муҳофаза худудларини ташкил этиш шарт шароитлари нималардан иборат? 2
Тарихий шаҳарнинг марказий худудида жойлашган ёдгорликларни қайта тиклашда нималарга эътибор бериш керак? 2
Шаҳарда архитектура ёдгорликларини даврларга бўлишда нималарга эътибор бериш керак? 2
